



ЯНА ОБУНА ҲАҚИДА

МУАММОНИ ЕЧИШ МУМКИН

Нарх-навонинг терак бўйи баянлашиб кетиши фаолиятимизга таъсир кўрсатмасдан қолмади. Шу боис рўзноманинги ҳафталикка айлантириб, нархини ҳам оширишга мажбур бўлдикки, бу ҳақда мухлисларимиз жуда яхши биладилар, ўзгаришларни бир неча бор минг бир истиҳола билан уларга етказганимиз.

Шу пайтгача шундоқ ҳам зўрға кун кечириётган юртдошларимиз иложсизликдан қилинган бу ўзгаришларни тўғри тушуниб, «Постда»га бўлган муносабатларини сақлаб қоладиларми-йўқми деган ҳақда эди. Шукрки, ҳадиқларимиз беҳуда экан. Жойлардан келатган маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, муштариёларимиз йилнинг қолган ойлари учун нашримизга қайтадан обуна бўлишга жиддий киришганлар. Аммо, баъзи хатлар бу борадаги тушунмовчиликлар ҳақида ҳикоя қилади.

«Рўзномадаги мурожаатларингизни ўқиб, таҳририятдаги вазиятни тўла тушундим. Зудлик билан «Пахта» қўргонидagi алоқа бўлимига бордим. 7 апрель кун эди. У ердагилар эса Чиноз шахрига боришим кераклигини айтишди. Начора, тоққа чиқмасанг дўлана қайда, деганлар. 13 апрель кун Чиноз шахрига йўл олдим. Аммо бу сафар ҳам ишим битмади. «Икки-уч кундан кейин келинг, ҳозирча бу ҳақда бирор кўрсатма олганимизча йўқ. Айтишса, 1 июндан бошлаб обуна қилангиз», — дейишди. Ердан беринг. Мен қандай қилиб бўлса ҳам «Постда»ни ўқиб боришим керак», — деб ёзибди Тошкент вилоятидан Ж. Мўлдаҳмедов.

Жиззах вилоятилик Н. Сулаймоновдан келган хатда ҳам шу муаммо кўтарилган: «Рўзноманинги 39-сонда қайтадан обуна бўлиш кераклигини билдирибсизлар. Оёғимни қўлимга олиб Зарбдор тумани «Союзпечать» бошлиғи Шокир Абдуллаев ҳузурига югурдим. У эса: «Вилоятдагилардан сўраб қўрай, рухсат беришса, илтимосингизни қондираман», — деди. Ҳанузгача ундан жавоб йўқ. Вақт эса кетяпти. Нима қиларимиз билмайман.

Қолаверса, Ёлғиз эмасман. Сулаймонов Номоз, Ҳотамов Эшонқул, Жалилов Ёқуб, Сатторов Вазорбой, Рустамов Нурмонлар ҳам мен каби ўз ёғларига ўзлари қоврилишяпти. Қўлимизда пулимиз тайёр, аммо обуна бўлмаймизми...

Қўлимизда бундай мактублар анчагина. Нима ҳам дердик, аввало бундай муштариёларга юқорида айтганимиздек, «Постда»га муносабатларини ўзгартирмаганлари учун раҳмат айтиб, обуна давомида сарсон бўлаётганлари учун узр сўраймиз. Яна бир нарсани тушунашларини илтимос қиламизки, нарх-навонинг бирданига ўсиши ҳамма насларга ҳам тааллуқли. Демак, вақтли матбуотни тарқатиш билан шуғулланувчилар иши ҳам бошларидан охири кетган. Тизим пайтда ҳамманинги эҳтиёжини барабар қондириш осон эмас.

Аммо юқоридаги мазмунда хат олишимиз ҳаманоқ республика «Союзпечать» идорасидаги масъул ўртоқлар билан боғланиб, муаммонини ҳамкорликда ҳал этиш йўллари кидиришимиз. Худди шунингдек, «Пахта», Чиноз, Зарбдордаги мухлислар илтимосини адо этганимиз, улар ўша жойлардаги алоқа бўлимларига бориб, обуна бўлишлари мумкин, энди.

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ

Жасадни чўчка топди...

3-БЕТ

...Синаш учун учраган ходимдан ўз бошлиғи ҳақидаги фикрини сўранг. Аксарият: «Ҳа, ёмон одам эмасу...» — дейди, аммо давомини айтолмайди...

6-БЕТ

...Ҳовлида кўзлари армонга тўла, бир парча меҳрга зор, бахтинигун болалар ўйнамоқда.

8-БЕТ

... Қиз бола ўқиб одам бўлмаган...

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

...Бурнининг остидаги луқмасини «оддийгина мелиса» олиб қўйиб давлатга қайтарса ҳам индамай ўтирадиган лақма бўлмагандир улар...

...Қария билан суҳбатлашнинг иложи бўлмади. У аллақачон бандаликни бажо келтирганди...

ВАЗИРЛАР ТИЛ ТОПИШИШДИ

Олмаотада собиқ СССР ички ишлар вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди ва пировардида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятларини мувофиқлаштиришга оид муҳим ҳужжатлар имзоланди. Буларнинг ичида энг муҳими ИИВларнинг давлатлар тенгҳуқуқлиги, маслаҳат муштараклиги ва ўзгалар мустақиллигини ҳурмат этган ҳолда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битимдир. Унда уюшган жиноятчиликка, наркотики, контрабанда, иқтисодий соҳадаги ва бошқа қондабузарликларга қарши илтимос ва сўровлар асосида, қолверса қонунчиликка мос равишда бирлашиб курашиш кераклиги белгиланган.

Таъкидлаш керакки, Латвия ва Эстония ИИВлари делегациялари қолганлар, шу жумладан Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги билан таҳлилий масалалар бўйича икки томонлама келишиб олдилар. Бу келишувлар келгусида Болтиқбўйи давлатларининг мазкур битимга қўшилишлари учун замин яратди.

Дарвоқе, анжуман ишида Молдова ва Литва вакиллари узрли сабабларга кўра иштирок эта олмадилар. Телеграмма жўнатиб, иштиқолда мазкур ҳужжатларни қўлаб-қувватлашларини билдирдилар. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан ҳужжатларга вазирнинг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов имзо чекди.

Ва охиригиси, шу даражадаги навбатдаги учрашув жорий йилнинг июль-август ойларида Қирғизистон дёрида ўтказилди.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

НАМАНГАН

Замонанинг зайлига қаранг. Ўғрилар нон-тузини ҳам ўмарадиган бўлишди. Уйғур қишлоғилик бир йигитча Поп туманидаги 4-ўрта мактаб ошхонасидан 340 сўмлик озиқ-овқат олиб қочган. Лекин бугун «ютганинги ўзиники, чайнаганинги гумон» бўлиб чиқди.

Чортоқлик М. Муродуллаев эрта тонгда уйғониб, «тишининг ковагидаги» 400 сўм пулини тополмади. Қидиришда қарашиб юборган милиция ходимлари пулни жабрланувчининг маҳалладошларидан топишди. «Тиш ковланганлар» икки киши. Иккови-

нинг ҳам мўйлови ҳали сабза урмаган.

Ҳақиқолободлик 28 ёшли И. Арупов деҳқончиликнинг ҳадиқсини олган экан. Фақат экинлари орасидан «наша» ўсимлиги «тасодифан» чиқиб қолгани чатоқ бўлди. «Мелисалар» бормагунча, у бу ўсимлиқни «сезмаган» экан. «Ҳосил» йўқ қилинди.

Уйчи туманининг Ерқўрғон қишлоғилик С. Носировни уйининг олдида қалтаклаб кетишди. Ўз ватанида мушт егани алам қилдими, у милициядан мадад сўради. Муштумзур «иностранис» экан. Ерқотойдек жойдан келиб, ёрқўрғонлиқни уриб кетибди.

И. КАРИМОВ,

УЧРАШУВ

Фарғона вилояти ИИБда ички ишлар идоралари ходимларининг фаолиятини матбуотда ёритиш масалалари бўйича журналистлар билан учрашув ўтказилди. Унда туман ва шаҳар ИИБ бошлиқлари, рўзнома муҳаррирлари қатнашди.

М. КИМСАНБОВЕВ.

ТЕХНИКА КЎРИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Айни кунларда транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш қизғин тус олган. Бу иш 31 июлгача давом этади. Йўлов ҳодисаларининг содир бўлиши кўп ҳолларда техник носозлик билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли ҳам бу тадбирга катта эътибор қаратилган. Ҳозиргача Тошкент шаҳрининг ўзида 9 мингдан кўпроқ автомашинанинг техник ҳолати текширилди.

СУРАТЛАРДА: техника воситаларини кўриқдан ўтказиш марказида; ДАН назоратчиси милиция катта лейтенанти Абдумутал Саидахмедов «ВАЗ-2101» енгил автомашинасини кўздан кечириётган пайт.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ
олган суратлар.



Тавба денгу ёқа ушлани!..

Жовуз—ёвузми?

Жовуз қишлоғи Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жойлашган. Атрофи баланд тоғлар билан ўралиб, саҳнида 258 хонадон яшайди. Аҳолининг аксарияти тубли.

Ҳозир бу жойда таҳликали бир вазият вужудга келди. Геологларнинг маълумотига қараганда, баҳорги ёғингарчилик оқибатида тоғ кучиши хавфи туғилган. Уларнинг фикрича, 8 дақиқада бир қанча уйлар тупроқ остида қолиши мумкин.

— Биринчи марта бу 1969 йилда кўзатилган. 1981 йилга келиб эса яққол сезилиб қолди, — дейди ижроқўм раисининг муовини Ҳусайнов.

Шу пайтгача хавфли дейилган зонадан 24 хонадон кўчирилди. Аммо бугунгиси катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Мана, бир ой бўлдики, бир оёғимиз шу ерда. Қани энди одамларга буни тушунтиришнинг иложи бўлса. Табиий офат кутиб турмайдик.

Ҳа, уларнинг жон қўйдирганча бор. Табиий офат оғоҳлантормай келади.

Туман ижроқўми вакиллари билан биргаликда ИИБнинг ходимлари ҳам ташвишда. Тупроқда юз бераётган ҳар бир силжиш, ҳар бир ўзгариш уларнинг ташвишга ташвиш қўшмоқда. Лекин хавфли зонадан зудликда кўчиши керак бўлганларнинг фикри ўзгача. Киндик қони тўкилган жойларини ташлаб кетгилари йўқ. Тўғри, уларни ҳам мумкин қадар тушуниш даркор. Бироқ одамнинг жон-

дан азиз нимаси бор. Ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган гўдакларнинг гуноҳи нима?

— Уларга дам олиш уйлари, янги қурилган кўттежларни тақлиф қилишми. Маълум пайтгача озиқ-овқати, харажатларини ҳам таъминлаш мақсадимиз бор. Аммо буларга ҳам унашмаяпти, — дейди ижроқўм раиси.

Энди мутахассисларнинг фикрига ҳам қўлоқ тутайлик. Тоғда кечаётган жараён ҳалокатлилик жиҳатдан Жигаристондан ҳам (худо кўрсатмасин) даҳшатлироқ бўлиб, 50 миллион кубметр тупроқ кўчиши мумкин экан.

1400 га яқин қишлоқ аҳлига бу тушунтирилмадими? Тушунтирилди. Натижаси эса, кундузи қариндош-уруғларимизникига жойлашмиш деб чиқиб кетишадю, тунда тунагани яна кириб олишади. Кошки бу кўзбўямачиликнинг кимгадир нафи тегса.

Ҳозир бу ишга аралашмаган киши қолмади ҳисоб. Кунора одамлар билан суҳбат, кунора тушунтириш ишлари. Лекин ачинарлиси бу эмас. Афсусланарлиси уларнинг онгига етиб бормаётгани. Наҳотки маълум муддатга яшаш жойини ўзгартириш тупроқ тагида қолган, кўзи очик кетган мурдаларнинг охи-зорини қилиб, фалакнинг ишига лаънат ёғдиришдан осонроқ бўлса.

— Туман раҳбарлари юз бериши мумкин фожианинг олдини олиш мақсадида қонунни ишга солиб, мажбурий кўчиш чораларини кўрдилар, — дейди туманлараро прокурор Ф. Шаймонов. — Бу энг охири чорадир.

М. ИБРОҲИМОВА.

ЖАСАДНИ ЧҲҶҚА ТОПДИ

Январь ойи кунларининг бирида Чуст тумани ички ишлар бўлимига Тошқўрғон қишлоғида яшовчи Одилжон Нурматов мурожаат этди.

Уни бўлим бошлиғи, милиция майори Турсунбой Холдоров қабул қилди.

— Иложи бўлса, шомасдан укангиз ҳақида батафсил айтиб берсангиз... Бу жуда зарур. Комендатурада ҳам йўқ, дедингизми?

— Ҳа, Сизга очиғини айтишим керак. Абдумалик Ўзбекистон жиноят мажмуасининг 125-модда 2-қисми билан судланиб, жазони Тошкент шаҳридаги 5-маҳсус комендатурада ўтаётган эди. 15 январь кўни уйга кириб келди. Очиғи, у энди яхши томонга ўзгараётган эди. «Рухсат олиб келдингми?» — десам, «Жуда соғиниб кетдим, сўрамай келавердим» — деди. Эртасига ўзим ташлаб келишга қарор қилдим. Озгина уйда бўлди, бир айланиб келаман, деб чиқиб кетди. Қайтмади. Суриштирдик. Йўқ. Комендатурага бордим. У ерда ҳам йўқ. Ердам беринглар.

Нима бўлса ҳам жигар эканда, — куйиб-пишди Одилжон.

Оператив-қидирув гуруҳи тузилди. Навоий номли жамоа хўжалиғи фаоллари билан тоғ, ташландиқ жой, ахлатхоналар, сув ҳавзалари текширилди. Ҳатто ғўзаярғамлари ҳам бирма-бир ағдариб кўрилди. Натига бўлмади, ниҳоят оператив ходимлар Абдумаликни уйдан чиққандан кейин кўрган кишини аниқлашди.

Машад қишлоғида яшовчи софидил Абдулазизхон Абдумаликни уйларида ақаси Сайдулло билан бирга кўргани, уларга овқат олиб кириб берганини айтди:

— Менимча у уйимизда ётиб қолган бўлса керак, — деди у. — Эртасига ишдан келсам, акам пол юваётган эди. Полда қандайдир доғлар бор эди. «Ҳа ака, ўзингиз қийналяпсиз?» — десам, «Қўй сўйдик, қонлари томибди», — деди. Кейин у дераза тешикларини ҳам пахта билан маҳкамлаб, эшикни қулфлаб, бизни ҳам киргизмай қўйди. Ҳа, ерда бир нарсанинг судралган изи ҳам бор эди...

Оператив ходимлар экспертлар, прокуратура вакиллари билан уй ичини кўздан кечиришди. Доғлардан намуна олишди. Хулоса одам қони, деб берилди. Хизмат ити ишга тушди. Аммо натижа чиқмади. Сайдулло сўроқ қилинди.

— Қон? Тўғри, қўй олиб келинганди... сўйдик, ўшани қони...

— Экспертиза одам қони деб хулоса берди.

— Э-э, ёддан чиқибди. Қўйни кўтараётганда қўлни уриб олгандик, ўша томчи... Абдумалик овқатланиб қиқиб кетган. Ҳа, у йўқми?

Сайдулло Аминов Ўзбекистон жиноят мажмуасининг 133-моддаси, 204-моддасининг 3-қисми билан судланган. Қонунларни яхши биларди.

Т. Холдоровнинг ёдига Англия полицияси божхонада ишлатган тажриба тушди. Муовини милиция капитани Зафаржон Тўйчибоев билан ҳозир туғилган мақсадини ўртоқлашди.

Жамоа хўжалигидан икки бош чўчка Сайдуллолар уйга келтирилди. Улардан бири ҳид олдида, ўриллаб ҳовлининг девори яқинидаги ёнғоқ дарахти тагига яқинлашди. Ерни тумшуги билан титиб, ўша жойга ётиб олди. Холслар иштирокида бу жой қавлаб кўрилди. Ярим метрча қазилгандан кейин... жасад чиқди.

С. Аминов қайта сўроқ қилинди.

— Мен, қайдан билай... Агар мени ўлдирган, деб гумон қилсаларинг, жасад қани?

Жасад кўрсатилди.

— Тан бердим. Ҳа, мен уни... Теша билан... Тергов ишлари олиб борилмоқда.

Н. МАМАЖОНОВ.

ЯНА «ҚАДРДОН» ЖОЙГА

Семипалатинск вилоятида туғилган Ваҳоб Азизов ҳеч қачонда ишламайди. 1983 ва 1989 йиллари ўтириб чиққач, бутунлай бошпанасиз қолди. Қаёққа борсин! Албатта бундайлар ўйлаб ҳам кўрмай, тўппа-тўғри Ўзбекистонга йўл олишади. У ҳам шундай қилди. Бу ерда ким кўп — ўзига ўхшаган тайинсиз, қалангикасангилар бижиб ётибди. Бошқирдистондан келган Владимир Косолаповни учратдию ош-қатиқ бўлди қўйди. Владимир ҳам 1976 йилда, 1978 йилда яна, 1983 йилда тагин сым тўрлар ичида «яйраб» қайтариларди.

Иккиси у ёқ-бу ёқдан ризқини топиб юришди. Майда-чўйда ишларни бажариб, ҳар ҳолда ўзлари ўйлагандек очдан ўлишмади, кўчада тунашмади.

Ойлиқнинг ярмисига ҳам рози бўлишиб, «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга жойлашди. Ҳа, энди хўжаклари бундоқ бўлиб турса, тўла ойликка ишга олишармиди. Қолаверса, арзон ишчи кучи кимнинг ҳамёнини тешибди.

Бироқ Владимир ношукр, яхшиликни билмайдиган чиқди. Омборни ишониб, юк ташувчи сифатида ишлатишгаётганди. Кўрнамачи 60 юфт эркаклар пайпоғини ўмарди-я. Шундан кейин иккови учун умидсиз кунлар, қайғули тунлар бошланди.

Пайпоқдан тушган пуллар ҳеч нарсасга ярамади. Уғрилиқ қилиш керак. Бошқа илож йўқ. Энди улар кўча кезади-ган одат чиқаришди. Кезиб-кезиб Лоҳутий кўчасида яшовчи Н. Меркушинанинг эшикда унутиб қолдирган калитини олишди. Пайт пойлаб, яна келишса, Меркушина пишиқ экан, эшик қулфини ўзгартириб қўйибди. Роса бўралаб сўканларини агарда уй соҳибаси эшитганида борми, уларни дарров судга берарди.

Омадсизларга З. Екубовнинг уйда бахт қилиб бекди. Эшикни очинди, уйга киришди. Нарсаларни ташлаб-ташлаб олгани вақтлари етарли бўлди. Бироқ бахт ёлғиз юрмаскан. Шундай ташқарига чиқишларини билди...

Ленин тумани ИИБдагилар уларнинг «катта ҳисоботларини» тинглашди. Кейин эса суд. Ундан кейин қарсакларсиз, дабадбасиз «қадрдон» жойларига равона қилишди.

Нур БАДИЯ

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган Бахтиёрнинг ташаббускорлик қобилияти анчадан буён билинмасди. Мана вақт-соати етиб бу хислати юзга чиқди. У Мамадиёр, Тоҳир, Сафарларни атрофига тўплаб, кўп фуқароларни қақшатадиган ишга йўллади.

Соат 24ларда Ғаллаорол туманида жойлашган Ленин номли жамоа хўжалигида яшовчи И. Ҳамроевнинг уйига келдилар. «Разведка»га борган Сафар уйда меҳмонлар борлигини билиб қайтди. Албатта, бу биргина Бахтиёрнинг эмас, барча гуруҳ аъзоларининг асабини қиққлади. Ўлжасиз кетишдан «ор» қилган босқинчилар фуқаро Н. Тожиевнинг машинаси шиналарини ечиб олдилар.

13 август кунги жиноятга эса пухта тайёргарлик кўришди. Ниқоблар, бензин, ниқоқ билан қуролланишиб, Г. Дилмухамедовникига бостириб киришди. Уй соҳибаси телевизорда берилётган «Дайди» фильмининг кўриб, кўзларидан шашқатор ёшлар оқизаётганида, бўйинга ташланган арқондан ўзига келди. У қўрққанидан 2000 сўм чиқариб берди. Бироқ ваҳшийлар қаноатланмадилар. Уни бошқа хонага судраб олиб киришдида, устидан бензин қўйишди.

— Алар пулларингни бергинг келмаётган бўлса, гугурт қақиб ёқиб юборамиз.

Аёл бензинга чўмилганча дир-дир титтар, нажот кутишдан умидини узган эди. У 750 сўмлик зираги, 590 сўмлик узуги, 35 сўмлик қўл соатини қўшқўлаб тутқазди.

Муҳаммаджон 1984 йили Тошкентдаги олий милиция мактабини тугатгач, вилоят ИИБда терговчилик қила бошлади. Ишга пишиқ экан. Бир йилнинг ўзига 40 дан ортик жиноий ишларни судга чиқарган вақтлар ҳам бўлган. Аммо шу пайтгача бирортаси суддан қайта терговга жўнатилмаган.

Фирибгар М. Назирбоев сирри ҳам. Муҳаммаджон томонидан фош этилди.

БОСҚИНЧИЛАР

Эртаси 14 август кунги Бахтиёр Мамадиёрни учратиб навбатдаги режасини айтди:

— Танишларинг бўлса айт. Директорнинг уйига борамиз.

Мамадиёр бу ишга укаси Маҳмуд, Владимир Богомолов, Роман Мусанов, Ремзес Тавказовлардан муносиброқ одам тополмади. Операцияга киришдан аввал улар қурол топишга уриниб кўришди. Бироқ иложини топишолмади.

Қуролсиз директорнинг уйига йўл олдилар. Ошхона деразасидан ошиб, ичкари кирдилар. Хонадон соҳибларини қўрқитиб, 6037 сўмлик пул ва бошқа буюмларни ўмариб, телефон симларини кесиб кетишди.

18 августда эса фуқаро Этамбердиевни тунамоқ ниятида Муғол қишлоғига боришди. Бахтиёр ва Роман машинада қолиб, Маҳмуд, Аслиддин, Владимирни «ишга» кузатдилар.

Бу гал ишнинг пачаваси чиқди. Этамбердиев тунги меҳмонларнинг ёмон ниятларини сезиб, қўни-қўшини ёрдамга чақира бошлади. Аслиддин билан Владимир аранг қочиб қутилди-ю, Маҳмудни эса йиғилганлар ушлаб қолдилар. Маҳмуднинг қўлга тушганидан ташвишга тушган Бахтиёр ҳийла ишлатмоқчи бўлди. Машинани Владимир ва Аслиддинларга бериб юбориб, Ғаллаорол тумани ИИБга уловини рус йиғитлари олиб қочганлиги ҳақида хабар берди.

Туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Я. Те-

миров, оператив ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари милиция подполковниги Н. Қодиров, ЖҚБ ходимлари милиция катта лейтенанти Ш. Муродов, Х. Мусулмонов, милиция лейтенантлари Ш. Қаршиев, А. Шойзоқовларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли калаванинг учи топилиди.

Бахтиёр ҳам, қўлга тушган Маҳмуд ҳам қанчалик гапни айлантирмасинлар, ҳақиқат қарор топди.

Тергов давомида Маҳмуднинг акаси Мамадиёرنинг Бахмал туманида жойлашган «Космос» кинотеатридан 2263 сўмлик ўғрилик қилгани маълум бўлди.

Ушбу жиноий гуруҳнинг аъзолари қўлга олиниб, иш судга оширилди.

Ташаббускоримиз Б. Қодиров 8 йилга, М. Ерқулов 8, Маҳмуд Ерқулов 9, Ремзес Тавказов 9, Роман Мусанов 7, Тоҳир Нормуродов 5, Аслиддин Нуриддинов 8, Сафар Ғафоров 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниши билан бирга Б. Қодиров, М. Ерқулов, М. Ерқулов, Р. Тавказов, Р. Мусановларнинг мол-мулки мусодара қилинди.

Ушбу мақола ёзилаётган пайтда ЖҚБ томонидан қидирилаётган Владимир Богомоловнинг Россия шаҳарларининг бирида қўлга олинганлиги ҳақида хабар берилди. Яқин кунлар ичида у ҳам одил суд олдида жавоб беради. Шундан кейингина жиноий гуруҳ фаолиятига сўнгги нуқта қўйилади.

Х. МАМАНАЗАРОВ.

дан машина учун пул олиб, еб юборган. 1990 йилнинг декабрида эса А. Уранмовни 11 минг сўмга чўв туширган. Биргина 1990 йилда Я. Кенжаевни 7.000, Ч. Абдуллаевни 7.500, О. Қўрбоновни 8.500, А. Абдулсалимовни 6.000, А. Карповни 8.600 сўмга қақшатган.

М. Усмонов фирибгарнинг бутун кирдикорларини очиб ташлади. Тергов давомида устасифаранг Назирбоев лақиллатилган 23 кишидан 122.900 сўм пул олганлиги маълум бўлди.

Ушбу жиноий иш Кува тумани халқ суди томонидан кўриб чиқилди. Айбдор Назирбоев 3 йил мажбурий хизматга ва 2 йил сургунга ҳукм этилди.

— Мен бир нарсасга ҳайронман, — дейди М. Усмонов. Оз эмас, кўп эмас 23 киши бир фирибгарнинг нағмасига учганлиги ачинарли.

А. ҒАНИЕВ.
Фарғона вилояти.

ВОЙ СОДДАЛАР-ЕЙ...

Муҳаммаджон 1984 йили Тошкентдаги олий милиция мактабини тугатгач, вилоят ИИБда терговчилик қила бошлади. Ишга пишиқ экан. Бир йилнинг ўзига 40 дан ортик жиноий ишларни судга чиқарган вақтлар ҳам бўлган. Аммо шу пайтгача бирортаси суддан қайта терговга жўнатилмаган.

Фирибгар М. Назирбоев сирри ҳам. Муҳаммаджон томонидан фош этилди.

Назирбоев Кува туманидаги Чирмоч қишлоғида яшайди. Кува шаҳар аҳолига машай хизмат кўрсатиш бирлашмасида сэйёр сураткаш. Бироқ у ўзини Фарғона шаҳридаги «Олимпиада» дўконининг сотувчиси сифатида фуқароларга таништирадиган, уларга енгил машина олиб бериш баҳонасида пулларини шилган. Масалан, 1988 йилда М. Йўлдошевдан, 1990 йили кузда Х. Мирзаев-

Турмушимиз тарзи

ЭЛЛИГИНЧИ
БАҲОР
МУБОРАК!

Эллик ёш. Умрининг ана шу эллигинчи йирик одимида инсон ортига — босиб ўтган йўлига бир қўр назар ташлар экан. Танлаган сўқмоғи тўғрими ёки акси, бир дам нафас ростлаб ўйга чўмаркан. Юрт учун, эл учун нималар қилди-ю, нималарни бажаришга улгурмади — сарҳисоб қилиб кўраркан.

Баҳодир Жабборов бундан ўттиз йил муқаддам, оқ-қорани эндигина таний бошлаган бир пайтда машаққатли соҳанинг атигидан маҳкам ушлади. Унинг ягона ва олий мақсади милиция хизматида ишлаш эди. Йигирма ёшида ниятига эришди: ДАН йўл-патруль хизматида иш бошлади. Тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги, изланувчанлиги натижасида бу оғир хизматнинг сир-асрорларидан воқиф бўлди. Ўзи устоз деб билган кишилардан маслаҳатлар сўради, уларнинг изидан борди. Секин-секин хизмат пиллапояларидан кўтарилаверди.

Одатда танлаган касбига меҳр-муҳаббат қўйганларгина бир соҳада муқим ишлаб ўтишади. Ҳамкасблари билан қадрдонлашиб, иноқлашиб кетади, улардан йироқлашибни тасаввур ҳам қила олмайди.

Баҳодир Жабборовнинг илк хизмат кўнларини бошлаганидан буён орадан ўттиз йил ўтибди. Шу ўтган йиллар мобайнида у фақат давлат автомобиль назо-



риятида хизмат қилди. Шу ишда тарбияланди, ўсди, обрў топди. Уни нафақат Фарғона вилоятида, балки Навоий, Бухоро ва бошқа вилоятларда ҳам кўпчиликти танийди, билади ва чин дилдан ҳурмат қилади. Чунки унинг шоғирдлари бугунги кунда кўпгина вилоят, шаҳар ва туманларда устозлари йўлидан бориб, хизмат қилмоқдалар.

Ҳозирда Баҳодир Жабборов Фарғона вилояти давлат автомобиль назорияти бўлимининг бошлиқ ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда.

3 май — Баҳодир Жабборовнинг туғилган куни. Шу муносабат билан ҳамкасбимизга қарата таваллуд топганининг ярим асрлик тонготарида айтадиган тилакларимиз бисёр. Ёнг аввали унга саломатлик тилаймиз. Саломатлик аёло даражада бўлса, қолган барча ишлар ниҳоятини топади. Узоқ умр, бахт, омад — барчаси унинг ортидан келади.

Баҳодир, хизмат ва ҳаёт йўлингиз доимо чароғон бўлаверсин! Омон бўлинг!

Фарғона вилояти ИИБ ва ДАН жамоаси.

Тоҳиржоним тирик бўлганда бу йил 28 ёшга тўларди. — кўзларида ёш билан титроқ овозда гап бошлайдилар Карима опа Абдуллаева.

Онаизорнинг аламу изтироб тўла нолишлари юракни эзиб юборади.

Фарзандки, «онам» деб, «отам» деб йиғласин-у, ота-она «болам», деб фарёд чекмасин экан. Шундай бир ривоят ўқиган эдим:

«Қадимда бир туякашнинг туяси касалланиб қолибди. Нобуд кетмасин деб, қассобни чақиртирибди. Туя сўйилгач, қассоб сўрабди:

— Биродар, туянгиз кўк-йўталмиди?

— Йўқ, — дебди туякаш.

— Нега бўлмаса, унинг ўпкасида бир эмас, икки эмас, учта тешик бор?

Туякаш бироз жим турибди-да, сўнг дебди:

— Туям уч бора болалади. Лекин бўталоқлар ҳар сафар нобуд бўлаверди. Ҳар гал бўталоғи нобуд бўлганда шўрлик туям бир неча кун ўкириб, саҳро кезар эди. Ўпкасидаги тешиклар фарзанд доғлари бўлса керак...

Ҳайвонки, фарзанд доғидан шунчалар азият чеккач, шариф ул-маҳлуқот бўлмиш одам хусусида...

«Ўғлим Тоҳиржон ипак қурти учун барг олиб кела туриб, юрак зўриқишидан вафот этди. Худога нима ёзган эдимки, мен фарзанд доғига дучор бўлдим. Алам қиладигани, эндигина 27 баҳорни кўрган фарзандим оғзи ошга етганда, боши тошга тегди. Хотини, уч ўғли — 4 ёшли Улуғбек, 3 ёшли Дурбек, 9 ойлик Жавлонбек мен каби бўзлаб-бўзлаб қолдилар».


Карима опа
АБДУЛЛАЕВА,

жумҳурият аҳамиятига
молик нафақадор, Ўзбекистон Олий Кенгаши
нинг 1971-1975 йиллардаги нонби.

Марҳум Тоҳиржон Абдуллаев 1964 йилда туғилган. Тошкент шаҳар ИИБ ходими эди.

Бизда шундай ёзилмаган қонун мавжуд: кимдир вафот қилса, у ҳақда хотира ёзишдан аввал марҳумнинг таржимаи ҳолини суриштирамиз. Агар тириклигида бирор орден олган ёки каттароқ лавозимда ишлаган бўлса, ёднома ёзамиз. Марҳум ҳали ўзи ҳаётнинг ач-

Чўғ бўлган кўксингга малҳам бўлайин. Фарзандинг суратин сўз билан яна Чизайин, шеър билан ҳайкал қўйин. Қаддингни кўтар, эй, падари бузрук, Тошларга сиғиниб бош урма, эй мард. Сен ахир Ота, сен — қоядек буюк, Қалбингдан силқиган ёшларингни арт.

ДАРДИНГНИ ОЛАЙ
МУШТИПАР ОНА

Сингилжон. Суянгисиз қолдим, деб айтма, Суянгинг — фарзандинг, улар уч ўғлон. Дунёдан дарғазаб ортинга қайтма, Дунёнинг қарзи кўп сендан, сингилжон. Қиёматга қадар айланиб бу кўк, Юздан бир қарзини узмоғи қийин... Дардингни олайин, падари бузрук, Муштипар волида, дардинг олайин. Дилмурод САИДОВ, журналист.

чиқ-чучугини тотиб улгурмаган бўлса, (кўпинча) ёзмаймиз. Наҳотки, инсон умри турли ордену мартабалар билан ўлчана? Инсон деган номнинг ўзи ҳар қандай мансабу нишондан улғу эмасми?!

Карима опа Абдуллаева ҳиноясидан:

«Ўғлим вафотига бир йил бўлаяпти. Минг раҳмат ИИБда бирга ишлаган ўртоқларни раҳбарларига. Доимо келиб, кўнгил сўраб туришади. Айниқса, Ф. Тожиёв, Захаров деган инсонлардан жуда миннатдорман. Яқинда 8 март куни ҳам мени байрам билан қўтлаб, кўнгил сўрадилар. Минг раҳмат».

Онахоннинг фарзанд доғида оқарган сочларини ғамдан толиққан мунгли ниҳонига қараб туриб, юрагим увишади. Дунёдаги барча дарду ҳасратни бир жойга тўлаганда ҳам фарзанд доғига тенг бўлолмас керак. Ич-ичимдан — нимадир қалқиб, бўғзимга тикилгандек бўлаверади. Бу йиғими, онахонга айтмоқчи бўлганим тасаллими, билолмайман:

«Дардингни олайин, муштипар она,

Бу мақолани ёзишдан аввал жуда кўп ўйландим. Аслида Қўва туманидаги Бекобод қишлоғилик, тақдир тақозоси билан Тошлоқ туманида қўним тошган устозимнинг — Фазлиддин ака Халиловнинг қайси ҳислатларини қаламга олсам экан, дея узоқ бошим қотди. Ва ниҳоят бир қарорга келдим. У киши ҳақида нимаки билсам, оқизмай-томизмай «Постда» мухлислари эътиборига ҳавола қилсам яхши бўлади. Бошқа мақолаларга нисбатан ғализроқ бўлса ҳам майли, юракдан қайнаб чиққанини қорозга тушириш жоиз. Чунки Фазлиддин ака ортиқча мақтов, хушомадларга умуман эҳтиёж сезмаганлар, ҳозир ҳам шундай.

Юқорида айтдим, каминга ҳам бир вақтлар у зотнинг ўғитларидан баҳраманд бўлганман. Ваҳоланки, вилоятимиз ички ишлар идораларида у кишининг панд-насихатларини сабоқларидан куч-қувват олиб, ҳаётда ўз йўлини топиб кетганлар анчагина. Истеъфодаги милиция подполковниклари Сирожиiddин Охунов, Неъматжон Жамолiddинов, ҳозирда вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи милиция полковниги Бурҳон Мирзараҳимов ва бошқалар шулар жумласидандир. Қолаверса, у кишининг таълимини олган кўплаб милиция ходимлари бир қанча туман ИИБларида бошчилик қилишмоқдаки, Фазлиддин акадан ўрганганлари улар фаолиятида ниҳоятда асқотаяпти, десам муболага бўлмайди.

Шу пайтгача эл-юрт ўртасида бир гапни тез-тез эшитиб, дилим ғаш бўларди. Гуёки милиционерни ишлаб юрган пайтида ўзгалар қўрқанидан, ҳайиқанидан ҳурмат қилармики, нафақага чиққандан кейин ҳеч кимга қўшил-ломай шумшайиб қолишармиш.

— Бу гапларга парво қилманг, асосенга гаплар. Халқимизда нимани эксанг, шуни ўрасан, деган нақл бор. Ким бўлсангиз ҳам, бугун халқ билан юракдан гаплашганини ўргасангиз, ўзингизни олиб қочмасангиз ёки калондимоглиқ қилмасангиз, эртага меҳр-муруват топишингизга кафилман, — деган эдилар Фазлиддин ака бир марта суҳбатлашиб қолганимизда.

Мана, ҳозир 45 йилдан зиёдроқ ички иш-

ларда ҳалол хизмат қилган, айни пайтда ёши етмишини қоралаган, беш фарзанду уч келинга ота, 15 болага бобо бўлган устозимнинг маънавий камолини кўриб, ўша сўзларининг нақадар ҳақиқий эканлигига яна бир бор имон келтирайман.

ИБРАТЛИ УМР



Синаш учун учраган ходимдан ўз бошлиғи ҳақидаги фикрини сўранг. Аксарияти: «Ҳа, ёмон одам эмасу...» — дейди, аммо давомини айтолмайди. Ўзига ёқмаган жиҳатларини айтмай деса, синашта бўлмаган одамсиз, иккиланади. Ҳеч қанақа қусури йўқ, дейишга эса тили борса ҳам, дили бормайди. Шунинг учун жавобни қисқа ва мавҳум қилиб қўя қолади: «Ёмон одам эмасу...»

Фазлиддин ака ҳам бир пайтлар Охунбобоев тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаганлар. Аммо сўраб кўринг, пенсияда бўлсалар ҳам бирор киши у ҳақда яхши дейишдан ўзга фикр билдирмайди.

— У кишининг алоҳида дафтарчалари бўлиб, ҳар бир ходимнинг, ҳатто рафиқаларининг ҳам туғилган саналари ёзилган бўларди, — деб хотирлайди Езёвон тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори Ёқубжон Саримсоқов. — Хизматчилик, баъзан хотирамиздан фаромуш бўлган бўлса, кабинетларига чақирардилар. «Эртага келиннинг туғилган куни экан, бугун бошлиқ билан келишиб қўйганман, эртароқ кетавер. Шодхуррамлик билан ўтказинглар бу кунни...», — дердилар.

Ўзининг ҳам ёдимда турибди. Айниқса, ҳамкасбларини пенсияга кузатишга қаттиқ тайёргарлик кўришарди. «Ўзми-кўпми бирга ишладик, шундай кузатайликки, бир умр бизни соғиниб эста олсин», — деб уқтирардилар бошқаларга. Байрамларда эса у-бу харид қилиб, кекса ходимларни йўқлашни унутмасдилар. «Гап сен олиб бораётган совға-саломнинг қийматида эмас, оқибатда!» — деб ўнгит берардилар у киши. Қисқа қилиб айтганда, инсонни ҳурматлашга ҳаракат қилишар, инсон кўнглини чини дилёдай ғўзал ва нозик эканлигини қайта-қайта таъкидлашарди. Эҳтимол бугунги кундаги обрў-эътиборлари ўша хислату фазилатлари натижасидир.

Муҳаммадрасул КИМСАНОВ,
милиция майори.

СУРАТДА: Фазлиддин Халилов (чапдан иккинчи) ҳамкасблари даврасида. 1946 йилда олинган сурат.

Полиция академияси: у қандай?

Ўзбекистон мустақилликка эришган бугунги кунда республика олдида юртимизнинг кўпмиллатли халқи орзу-умидларини рўёбга чиқариш ва ҳаётий руҳ бағишлашга имкон берувчи ўз йўли, тараққиёт услубини излаб топиш билан боғлиқ анча-мунча муаммолар кўндаланг бўлмоқда. Кейинги вақтда сиёсатчилар, тадбиркорлар доираси вакилларининг эътибори Туркиянинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибасига тобора кўпроқ қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ушбу мамлакатга ташриф буюрганлиги, турли-туман соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳақида қўллаб-қувватлов шартномаларни имзолаганлиги ҳам шундан далолат беради. Туркия намунасини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш, яқин истиқболда эса уни республикаимиз ҳаётининг барча соҳаларига амалий татбиқ этиш имкониятларини кўриб чиқиш зарурлигини у ўз нутқларида бир неча маротаба таъкидлаб ўтди.

Туркияга хизмат сафарига бориб қайтган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов ҳамда республика ИИБ Олий мактаби куллийетининг бошлиғи милиция полковниги У. Тожионов ўз олдидарига айтиш шулари мақсад қилиб қўйган эдилар.

Агар янада аниқроқ гапирадиган бўлсак, — дейди Ғ. Раҳимов, — бизнинг асосий вазифамиз Ўзбекистон ИИБ Олий мактаби негизида Академия ташкил этишнинг энг мақбул йўлини аниқлашдан иборат эди. Туркия Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари жаноб Вали Фахрий Ўзтурк бошчилигидаги ҳамкасбларимиз бизга ўқитиш учун танлов ўтказиш ва қабул қилиш тартиби, ўқитиш жараёни, мазмуни, уни ташкил этиш ва техника жиҳатдан жиҳозлаш, машғулот ўтказиш усуллари ва шакллари, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш системаси, Истамбулдаги полиция билим юрти ва Анкарадаги Туркия Республикаси ИИБ полиция академияси талабаларининг турмуш шарт-шароитлари билан муфассал танишиб чиқиш имкониятини яратиб бердилар.

Шубҳасиз, биз кузатган кўп нарсалар эътиборга молик ва ўрганиб чиқиб, амалиётда бемалол қўлласса бўлади.

Аввало полиция билим юрти хусусида. Бир йил мобайнида, ўқув муддати шундай, бу ерда полициячилар тайёрлашади. Улар тутган ўринлари ҳамда бажарадиган вазифаларига кўра биздаги оддий милиционер ва милиция сержантига ўхшаган. Бир мавсумда бир минг икки юздан кўпроқ кишига сабоқ бериладиган мазкур билим

юртига Истамбул ва Туркиянинг бошқа вилоятларидаги махсус ўн олтита ўрта умумтаълим мактабларини битирган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинувчиларнинг ёши 18-20 да бўлиши керак. Уларнинг жисмоний жиҳатларига талаб жиддий. Масалан, йигитларнинг бўйи 167, қизларники 165 сантиметрдан кам бўлмаслиги шарт. Талабалар биринчи ярим йилликда полиция ҳуқуқини, сўнгра амалий-тажриба ишларини ўрганадилар, шу билан бир қаторда кучайтирилган махсус жисмоний тайёргарлик билан шуғулланадилар ҳамда полиция бўлинмаларида тажриба орттирадилар.

Сиртдан сабоқ бериш усулидан эса бу ерда умуман воз кечилган. Академияни битирганларга махсус олий таълим олганлари ҳақида диплом берилади ва улар полиция идораларида раҳбарлик лавозимларида тайинланадилар.

Энди ўқув жараёни ҳақида. Шартли равишда бутун ўқув муддатининг йигирма фонзи ҳуқуқшуносликка, яна йигирма фонзи махсус ва жисмоний тайёргарликка, учдан бир қисми бошқарув-ҳуқуқий фанларга, яна учдан бири касб-кор, одоб-ахлоқ деб аталадиган ва талабаларнинг маънавий савияларини оширишга қаратилган дарсларга ажратилган.

Ўқув ҳафтаси ўттиз со-

Полицияда хизмат қилиш ўта обрўли иш ҳисобланади. Академияни битирган мутахассислар тантанали вазиятда — давлат ва Туркия Республикаси ИИБнинг олий раҳбарлари иштирокида кузатилади.

— Хизмат қилишга келсак, — дейди Ғ. Раҳимов, — бизнинг оддий милиционер ва сержантларимиз даражасидигилар учун энг юқори ёш 52, ўрта бўғин бошлиқлар учун 55, катта ва юқори раҳбарлар учун 60 ёш қилиб белгиланган. Барча полиция ходимлари, шу жумладан билим юртларида ишлайдиганлар ҳам ўзларига бириктирилган қурол тақиб юрадилар.

Олиб борилган музока-

(Олий мактаб, ёнгина қарши кураш техникаси ва хавфсизлиги муҳандислари куллийети, ўрта махсус милиция мактаби, ёнгина-техника билим юрти, дастлабки тайёрлов мактаби)ни янги кўринишдаги ягона билим масканига бирлаштиришни назарда тутадик, у келажакда турли соҳаларда олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлайди. Академия таркибиди оддий милиция ходимлари ва сержантлар тайёрлаш, ўрта ва катта бўғин раҳбар ходимлар малакасини ошириш, ички ишлар органлари раҳбарият қисмини тайёрлаш куллийетлари, кундузги ва сиртқи адыонктура, диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича махсус кенгашлар бўлиши назарда тутилмоқда.

Табиики, ушбу вазифани амалга ошириш янги режалар ва дастурлар ишлаб чиқишни, ўқитиш жараёнининг ўзини, материални ўрганиш тартиби ва бу борадаги мантиқий изчиллиқни, назария ва амалиёт мутаносиблигини, мажбурий ва танлаб ўқитиладиган фанларни, дарсликлар ва қўлланмалар тайёрлашни тубдан ўзгартириш заруратини тақозо этади.

ИИБ билим юртларини бирлаштириш турли соҳа ва даражадаги мутахассисларни тайёрлашда республика ИИБ Олий мактаби ўқитувчи ва профессорларининг илмий билимларидан, имкониятларидан юқори даражада фойдаланишда қўл келади, мавжуд штатларни кенгайтириш, қўшимча маблағ талаб этилмайди, билим юртлари фаолиятидаги ва уларни бошқаришдаги такорланишларга чек қўйилади.

Академияни ташкил этиш ва унинг келажакдаги фаолияти мутахассислар тайёрлаш сифатини жиддий яхшилашни аниқ. Шу билан бирга ИИБнинг оператив резерви бўлмиш (ҳозирги кунда анча тарқоқ ҳолга тушган) билим юртларининг катта куч ва маблағларини ягона раҳбарлик қўл остида бирлаштириш, табиий офатлар, тартибсизликлар ва бошқа фавқулодда ҳодисалар пайтида мавжуд кучлардан самарали фойдаланиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясини ташкил этиш тўғрисидаги муфассал ва ҳар томонлама асосланган таклиф ва унинг қўллаб-қувватланиши. Президентимиз И. А. Каримовнинг Туркия сафарига қўйган муаммоларидан бирини амалга ошириш деб биламиз.

А. ВОРГУДЯЕВ.

СУРАТЛАРДА: Ғ. Раҳимов (ўртада) Туркия Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Вали Фахрий Ўзтурк (чапда) билан суҳбатда; полиция Академияси машғулотларида.

ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИ ЁРДАМ БЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ АКАДЕМИЯСИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Талабалар тўла давлат таъминотида бўлиб, уларга ҳар ойда 130 минг турк лirasи (йигирма долларга яқин) миқдорида стипендия берилади. Қисқа муддатли рухсатнома (бирор жойга бориш учун) фақат шанба ва яшанба кунлари берилиб, шунда ҳам улар билим юртига кечга қадар қайтиб келишлари шарт. Таъкидлаб ўтиш керакки, тартиб-интизом жуда қаттиқ. Билим юрти ўз фаолиятининг барча қирралари бўйича бевосита Республика ИИБга бўйсунлади. Ўқув жараёнига алоқаси бўлмаган тадбирларга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларига ўқув юртининг ўқитувчи ва талабалари шахсий таркиби жалб этилмайди. Шуниси эътиборга моликки, билим юртида барча хўжалик ва шунга ўхшаш бошқа ишларни фақат шу ерда ишлаб маош оладиган ходимлар бажаришади, яъни талабаларга қўйиладиган асосий талаб — чуқур билим олиш.

Бундан саккиз йил муқаддам ташкил этилган полиция Академиясининг иш фаолиятида ҳам ўзига хос хусусиятлар анчагина, — деб гапиди давом этади Ғ. Раҳимов. — Шунинг учун бу хусусда муфассалроқ тўхталмоқчиман. Унга қабул қилиш танлов асосида ўтказилади, ўқитиш муддати тўрт йил. Академия ўрта умумтаълим мактабларини ёки полиция коллежларини (биздаги суворовчилар билим юртига ўхшаб кетади) битирган ўн етти ёшга кирган ва ундан каттароқ йигит-қизлар қабул қилинади. Кириш имтиҳонларини топириш йўли билан йиллик стационар ўқишга олий маълумотли шахслар ҳам қабул қилина-

атлик синфдаги машғулот ва ўн саккиз соатлик мажбурий мустақил тайёргарликни ўзи ичига олади.

Талабаларга қатъий талаблар қўйилган. Агар биттагина фандан қарздор бўлиб қолсалар, айрим ҳоллардагина яна курсда қолдирилади. Иккита ва ундан кўп фанлардан қарз бўлганлар эса кейинчалик қайта тикланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда Академиядан бутунлай ҳайдаб юбориладилар. Ўзрли сабабсиз машғулотга келмаслик фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Ўқув ёки хизмат интизомини озгина бузган бўлса ҳам талабага жарима баҳоси қўйилади, агар улар ўттизтага етса, талаба гап-сўзсиз Академияни тарк этишга мажбур.

Талабалар бепул овқатланишади, форма ва спорт кийими билан таъминланадилар. Биринчи курс талабасининг стипендияси 25 доллар, тўртинчи курсга бориб эса 35 долларга етади. Интизомни бузганлиги,

қониқарсиз баҳо олганлиги учун талаба йил давомида ундан уч марта маҳрум бўлиши мумкин. Улар қазарма ҳолатида яшайдилар, ташқарига чиқишга ҳафтада бир марта рухсат берилади.

Бутун ўқув машғулотлари, шу ерда муқим ишлайдиган, шунингдек бошқа билим юртларидан таклиф этилган ўқитувчи ва профессорлар томонидан олиб борилади. Академия ходимлари Туркия лirasи ёки долларда тўланадиган қатъий маош ва ўтган ҳар бир машғулотлари учун қўшимча ҳақ оладилар. Хизматдаги муваффақияти учун ходим қўшимча мукофот билан рағбатлантирилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, полиция Академиясида етук мутахассисларни тайёрлаш учун барча шарт-шароит яратилган: замонавий ўқув ва турар жой қазармалари, спорт иншоотлари, кутубхоналар, 40 ўринли шифона, ошхона, қаҳвахона, турли хил маншый хизмат, кўрсатиш муассасалари мавжуд. Ўқув жараёни энг янги компьютерлар, видеотелевизион, криминал ва махсус техника билан таъминланган.

ралар натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ички ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди. Унда жиноятчиликка қарши курашиш, мутахассислар тайёрлаш борасида тўпланган тажриба билан ўртоқлашиш, ҳар иккала давлат билим юртларининг ўқитувчилари ва талабаларини ўзаро айирбошлаш кўзда тутилган. Ҳужжатларни имзолаш жараёни Туркия ойнаи жаҳонининг биринчи каналида кўрсатилади ва радио орқали эшиттирилади.

Полиция билим юртлари муассасалари билан танишишдан ташқари, бизнинг иштирокимизда Анкарада Туркиянинг «АСЕЛСОН» корпорацияси ва Тошкентдаги «Зенит» заводи ўртасида ички ишлар идоралари учун махсус электрош ва радиотехника тайёрловчи қўшма корхона очиб юзасидан шартнома имзоланди. Измирдаги фабрика раҳбарияти билан Тошкентда замонавий ўт ўчирувчи асбоб-ускуна ишлаб чиқарадиган қўшма корхона бунёд этишга ҳам келишиб олинди.

— Хулоса нимадан иборат? — дея суҳбатга яқун ясади Ғ. Раҳимов. — Марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозлик шароитида шаклланган ички ишлар органларининг билим юртлари тизими бутунлай эскириб, мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида жиноятчиликка қарши тура оладиган даражада юксак малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш қўлидан келмайдиган бўлиб қолган эди. Республика Академиясини яратиш йўриғи ички ишлар органларининг Тошкентдаги билим юртлари



Хизматларда

ИЖК

Танқислик, Сийқаси чиқиб кетди бу сўзним. Худди қўлдан қўлга ўтавериб, яллиғланиб кетган беш тийинликдек. Беш тийинликку «ака-ука»лари билан бирга қораси ўчганига анча бўлди, лекин танқислигининг умри қачон тугайди, номаълум. Фақат бир нарсаси кўнгилга таскин беради: унинг томирига болта тақиллаб тегаяпти.

Демоқчиманки, жойлардаги иқтисодий жиноятчилик билан кураш (ИЖК) бошқарма, бўлим ва бўлимларининг ходимлари ўз кабинетлари деразасидан қараб ўтиришгани йўқ. Имкони, иложи борича ҳаракат қилишяпти.

Аммо бу борада жамоатчилигининг мадади ҳақида гапирмасак бўлмас. Шундай ҳоллар бўладими, очик гап, уларнинг бир оғиз хабари билан неча мингнинг сўмлаб мол-мулк халққа қайтариляпти.

Яқинда, аниқроғи 22 апрель кунини худди шундай — бир оғиз хабар орқали беш тоннаю эллик килограмм ун маҳсулотининг ноқонуний ҳолда сақланаётганлиги аниқланди. Хабарни етказган ва қўлга олиш жараёнида «харидор» сифатида иштирок этишга бажонидил рози бўлган йигита эса, албатта, миннатдорчилик билдириш жойи (қани эди ҳамма ҳам керак бўлганда шундай йўл тутса).

Воқеанинг бошланиши қуйидагича. Ички ишлар вазирлигининг ИЖК бошқармасига Р. исмли йигит кириб келган. Унинг хабар беришига қараганда, Тошкент қишлоқ хўжалик олий

илмгоҳи (ҳозирги Ўзбекистон деҳқончилик аграр дорилфунуни)га қарашли Киров номли ўқув хўжалиги ҳудудидаги хонадонларнинг бирида анча миқдордаги ун маҳсулоти сақланаяпти.

Маълумотларга асосланиб ИЖК бошқармаси бўлим бошлиғи Маҳмуд Ҳайитов раҳбарлигида оператив гуруҳ тузилди. Опергуруҳ тақлифи билан мен ҳам уларга ҳам-

мен ва милиция капитани Валерий Алексеев. Жимгина кетаяпмиз. Менинг хаёлимдан эса ҳар кунини одат тусига айланиб қолган нон учун навбатга туришларим ўтади. Биз бораётган жойда-чи? Қоп-қоп ун тахланиб ётибди. Бундай жойлар биттамикин?

Шу пайт олдиндагилар йўл четига ўтиб тўхташди. Биз ўтиб кетдик. Қизиқиш-

ми? — Шунга мажбурмиз. Машинамиз рақами шаҳарники. Сезиб қолишлари мумкин.

Яна анчагина юрганимиздан сўнг «карвон»нинг боши манзилига кириб кетди. Биз ҳам яқинлашиб, бир чеккада тўхтадик. Гуруҳ ўзаро нималарнидир келишиб, тарқалди. Валерийга савол назари билан

бир кунини янгаси келиб, унинг сотиб бериши мумкинлигини айтиди. Қопига 400 сўм. Йигит унинг ҳар қопини 185 сўмдан олган. Ўйлаб кўрса, олинажак даромад чакки эмас. Рози бўлади. «Хожатбарор» янганнинг мақсади эса бошқача экан. У «клиент» топиб, ҳар қопига 700 сўм сўрайди. «Клиент» беш қоп унни 3 минг 500 сўмга сотиб олади ва 22 апрель кунини келиб, яна 50 қоп ун олишини билдиради. Томонлар келишадилар. Келишувга мувофиқ, тайинланган кунини харидор келди...

Ховлига қалаб ташланган қопларнинг ҳаммаси машинага ортилди. Улар йиртилган, қорайиб кетган. Оёқ ости ун. Аллақачон тандирдан бўрсилдоққина бўлиб чиқиши керак бўлган унлар...

Шундай қилиб, меҳрибон янганнинг «шарофати» билан қайноғи ҳам куйди. Биз кечки бешларда шаҳарга қайтдик. Гуруҳнинг уёқда қолган аъзолари эса эрта тонггача қолиб кетишибди. Маълум бўлишича, бу ишга бош қўшганлар кўпчилик экан.

Бу воқеа танқислиқни юзасига келтиривчи, умрини ўзайтиривчи илдишлардан бири. Афсуски, бундай илдиш-у илдишчалар оз эмас. Бунинг учун эса халқ ва милиция ҳамкорлигида ишлаши жуда-жуда муҳим.

Насиб этса, бу олди-сотдининг ниҳояси ҳақида яна бир бор тўхталамиз.

Эркин САТТОРОВ,
«Постда»нинг махсус мухбири.

ТУШЛИКСИЗ БИР КУН

роҳ бўлдим. Мен фақатгина қўлга олиш тадбиридагина иштирок этдим, холос. Тадбирни ўтказиш режалари ҳақида эса қисқачина гапириб беришди. Тўғриси айтсам, четдан қараган одамга бундай тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш жўнгина туюлиши мумкин. Лекин бундай эмас. Мен бунга тадбирнинг якуновчи қисмида қатнашиб, имон келтирдим. Кўплар ўйлаганчалик қизиқарли, осон иш эмас экан.

Хуллас, 22 апрель кунини учта машинадан иборат «карвон» тузилган режа асосида йўлга тушди. Олдинда милиция майори Комил Толипов. Ўртада «харидор» ва унинг «ёрдамчилар»и. Кейин биз —

да, сабабини сўрадим.

«Харидор» ва сотувчи ўша ерда учрашадилар. Кўп юрмай биз ҳам тўхтадик. Тушундим. Учрашувни кутиш керак. Лекин кўп туришга тўғри келмади. Бизга маълум машиналарга «грузовик» ҳам қўшилибди. «Ун ортиш учун бўлса керак», ўйладим ўзимча. Машиналар ортидан эргашдик. Бу пайтда соат ҳам бирга яқинлашиб қолган, қорин таталашни бошлаганиди. Бемаъни хаёллардан ўзимни тийишга ҳаракат қилдим.

Шаҳар орқада қолди. Ҳамон йўлдамиз. Биздан анчагина узоқлашиб кетган машиналарни кўздан қочирмай бораёямиз. Қизиқ-қонлик яна тинч қўймади.

— Узоқлашиб кетмадик-

қарадим. «Кутамиз», деди у қисқачина қилиб. Начо-ра, кутиш бўлса, кутишда. Чека бошладик. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтди ҳамки, К. Толипов ишбара қилиб, ўтиб кетди. Шошапиша «тушлигимиз»ни яъни сигареталаримизни улоқтириб, машинага ўтирдик. Ўтиб борганимизда эндигина ортилган ун билан йўлга тушган «грузовик»ни К. Толипов тўхтатишга улгурган, тушунтиришларга жавобан бошини сарак-сарак қиларди.

Анчагина тўполонлардан сўнг қуйидагилар маълум бўлди. Ун сақланаётган хонадон соҳиби —корейс миллатига мансуб йигит (исм-шарифини келтирмаётганимни сездингиз. Ҳозирча шунга мажбурман) олдида

Бугун участка ҳудудидаги Чўтақа қишлоғи аҳлидан қишлоқда велосипед ва товуқлар ўғриланаётганлиги ҳақида хабар тушди. Участка вакили Шавкатжон ўйлаб қолди. Ахир, у ҳисобда турган ҳамма шахслар билан яккама-якка суҳбатлашиб чиққан, улар устидан тегишли назоратни бўшаптиргани йўқ. Қишлоқ оқсоқоллари, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб иш олиб бормоқда. Аммо нимага ўғрилиқ содир бўлди? Ҳар кунини камиди бир марта бу қишлоқда бўлаётми?

Шавкатжоннинг калласидан минг хил ўй кечди... Унинг хаёлига бундан бир неча кун илгари кечаси мақсадсиз тентираб юрганлиги учун участкада ўзи танбех берган бир йигит келди. У 19 ёшли Мансур бўлиб, Тепалик қишлоғида яшарди. Ўша кунини кечаси Мансур Чўтақа қишлоғи яқинида юрган эди... Сабаби сўралганда: «Кинодан келаяпман», — деганди. Чўтақа қишлоғида эса кино қўйилмайдди. Демак, бир гап бор, текшириб кўриш керак.

Аваллига Мансур ўзини сутдек оппоқ ва мусчадек беозор кўрсатиб, ҳеч нарсани айтмади. Аммо милиция ходимларининг нишонга тўғри тегаятган далиллари олдида ён беришга мажбур бўлди. У ўз қилмишлари тўғрисида «булбулдигўдек» сайрай бошлади. Биринчи бор ўғрилиққа қўшни Гул қишлоғидаги тўйга борганида қўл урди. У ердан пилда қайтишни ўзинга эи кўрмасдан тўйхона ёнидаги уйга кирган. Умаров Ҳайдаралининг «Урал» белгили велосипедини шериклари Мухтор ва Музаффар деган болалар билан биргаликда ўғрилаб кетишганди.

1990 йил август ойида Оққўрғон қишлоғидаги видеосалон олдида Бурмакит қишлоғида яшовчи Рустамжон Тошкановнинг «Урал» белгили велосипедини Мухтор исмига ўмариклади. Ўша йилнинг декабрь ойида Оққўрғон қишлоғида яшовчи Мирзохид Қўлдошев Тепалик қишлоғида яшовчи Дўстининг уйига тўйга боради. Мининг борган «Сура» белгили велосипедини тўйхона ёнидаги ховлига қўйиб чиқади. Бундан хабар тошган Мансур ховли эгалари тўйда эканлигидан фой-

даланиб, велосипедни ўғрилаб кетади. 1991 йилнинг август ойида Тепалик қишлоғида яшовчи Мўминжон Бўтаев қўшнисини Яхшиев Қўлдошбойнинг «Урал» белгили велосипедини Оққўрғон қишлоғи марказидаги дўконга бориб келиш учун сўраб олади. Дўконга кириб чиққунча велосипедни Мансур ўмаради.

Ўша йилнинг ноябрь ойида эса Жов қишлоғида яшовчи Ваҳобжон Усмонов Оққўрғон қишлоқ Шўросига келиб, у ердан ишнинг битириб чиққунини

ИНСПЕКТОР ОДИЛОВ



ча «Урал» белгили велосипедини Мансурнинг шериклари тинчитганди. Участка вакили қаршисида ўтирган, «ўн гулидан ҳали бир гули ҳам очилмаган» ўсмирга қараб туриб, у велосипед ўғрчилиги билан шуғулланувчи тўда бошлиғи эканлигига ҳайрон қоласан, киши. Мансурнинг кўрғазмалари атрофлича текширилди. Ўғрилиқда гумонсиралган болалар ва уларнинг жабрдийдалари аниқланди. Улар билан суҳбатлашилди. Фактлар тасдиқланди. Ўғрилланган велосипедлар топиб келинди. Керакли хўжатлар тўпланиб, ички ишлар бўлими терговчисига қонуний ҳал қилиш учун юборилди. Терговчи эса бу фактлар юзасидан жиноят иши қўзғаб, тергов ишларини бошлади...

Бундай олиб қараганда, участка вакили ўз ишнинг қилиб бўлди. Лекин

Шавкатжонга: «Бу болаларни ўғрилиқ қилишларига нима мажбур қилди?» — деган ўй тинчлик бермасди. Ахир, жиноят содир этганлар ҳали ёш, ҳаётининг энг ширин ва мазали давларини кечирадиган вақтда ўғри деган ном олса. Умрбод пешоналарига тавқиланат тамғаси босилса... Улар кимлар ўзи?

Қурбонов Мансуржон 1973 йилда Оққўрғон қишлоқ Кенгашининг Тепалик қишлоғида туғилган. Карл Маркс номли жамоа хўжалигида но-

мига колхозчи. Отаси Қўқон шаҳридаги автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Онаси 1989 йилда вафот этган. Ўғай онасининг гапига кирмайди. Отасининг эса бола тарбиясига вақти йўқ...

Исоқов Музаффар 1974 йилда Тепалик қишлоғида туғилган, Бувайда туманидаги 26-СПТУда ўқийди. Отаси назоратидан четда қолган.

Қурбонов Мухторжон 1974 йилда Тепалик қишлоғида туғилган. Қўқон шаҳар қишлоқ хўжалигининг механика-закиялаш техникуми толиби. Отаси назоратидан четда.

Бўтаев Авазжон 1973 йилда Тепалик қишлоғида туғилган, ҳеч қаерда ўқимайди ва ишламайди.

Қодиров Мухиддин 1974 йилда Тепалик қишлоғида туғилган, ҳеч қаерда ўқимайди ва ишламайди...

ХОО

Бу болалар бошини «қовуштириб» ўғрилиққа етаклаган ва йўлдан урган Мансур. Наҳотки, уларнинг юриш-туришини, фойдали меҳнат билан шуғулланишга тўғриси, вақтин етишмайдми», — дейди суҳбатда Мансурнинг отаси Аъзамжон Қурбонов.

— Ахир, болаларини тарбияси билан шуғулланиш вақт топа олмаган отадан нимани ҳам кутиш мумкин, — дейди Шавкатжон Одилов, — милиция ходими ҳар вақт ҳам ҳаммасига улгувермайдику? Шу тўда уч йилдан буён ўғрилиқ билан шуғулланар экан. Биз ҳар доим бирор иш бўлса, аввало ҳисобимизда турган шахсларни текшираёямиз. Шу ишдан хулоса чиқардикки, демак кўпроқ эътиборни ёшларга қаратиш, юриш-туришлари билан қизиқиш зарур.

Ҳа, бу ёш участка вакилининг ўйлари. Шавкатжон участка вакилилигига тайинланганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин ўтган бир йилча вақт ичида кўпгина ибратли ишларни амалга оширди. Хизмат қилаётган участкаси аҳолиси ўртасида обрў ва ҳурмат қозонди. Иш билан бирга Тошкент темир йўл транспорти олий билимгоҳининг иқтисод куллиятида сиртдан ўқимоқда.

Биз Шавкатжон Одиловнинг иш фаолиятидан бир шингил ҳикоя қилдик, холос. Зеро ички ишлар идораларида ана шундай ёш, иқтидорли ва ўз касбининг сезувчи кадрлар қанчалик қўнайса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Акрамжон УМАРОВ,
милиция майори.
Бувайда тумани.
СУРАТДА: жиний гуруҳ аъзолари ўзлари ўғрилаган велосипедлар ёнида.

Нуктаи назар

Болалар уйи. Унинг ҳовлисида қандайдир мунгли, армонли ҳислар шамоли елади. Девоғлари ҳам соғинчдан сарғайиб, мунгайган кўринади. Дарахтлар гуллар, гиёҳлар-да эшик томон эгилган. Гўёки остона ҳатлаб кираётган ҳар бир одамдан меҳр сўраб, илтижо билан боқатгандек.

Ҳовлида кўзлари армонга тўла, бир парча меҳрга зор, бахти нигун болалар ўйнамоқда. Қизалоқлар топ сураётганларида ҳам қандайдир маъюслик булутни нигоҳларини тарк этмайди. Бейхитёр дарвоза томонга ўқтин-ўқтин қарайверишади. Қораси кўринган ҳар кимсада онасини кўришни исташар, эҳтимол.

Китоб туманида жойлашган 7-болалар уйининг директори Марҳабо Хўжаева билан танишар эканман, бу аёлнинг мискин, ҳокисорлигини юз-кўзлари айтиб турар. Болаларнинг армонларини ўзгача тушунишини тилидан эмас, юрагининг қат-қатидан чиқаётган сўзларидан англаш қийинмасди.

— Марҳабо опа, тарбияланувчиларингиз қандай болалар?

— Бу ердаги болалар икки томонлама қисилганлар. Бир ота-онасининг иссиқ бағрини қўмсаш. Иккинчиси сил касаллигига қарши эмланмагани. Шу боис болаларни ниҳоятда авайлаб-асраймизки, жисмидаги озгина кучсизланиш сил таёқчаларининг авж олишига сабаб бўлмасин. Овқатларини сариёғда қиламиз. Витаминларга бой. Донмо врач назорати остида. Хуллас, ҳаммаси ўрнидаю, ота-онанинг ўрни барибир бошқача-да.

— Ҳозир бозор муносабатлари биргина фарзанди бор овчаларни ҳам моддий сиқиб қўйди. Қарамоғини-гизда эса 91 нафар бола, 72 ходимингиз бор экан. Уларнинг аҳволи қай даражада кечади энди?

— Ўтган йили болалар уйини Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ўз оталигига олди. Аввал ўйлагандик, шунчаки расмийчилик, нари борса фақат байрам кунларигина эсларига тушармиз, деб. Йўқ ундай бўлмади. Бўлимнинг шу давргача қилган, қилаётган эзгу ишларини санаб саноғига етмаймиз. Ҳали болаларимизни бунчалар эъозлаган, ғамхўрлик қилган бирон бир ташкилотни кўрмагандик. Дунёда яхши одамлар кўп экан.

Гарчи ҳовлимизда ўз ҳаммомимиз бўлсада, ишласа эди. Болаларни автобусга ўтиргизиб, анча олисдаги ҳаммомга олиб борардик. Шамоллаб қолмасин, деб жонимиз ҳалак, бўларимиз бўлардик. Даров иссиққа ўраган, қайноқ чой тутган... Шуларга раҳмат, бир кунда ҳаммомимизни ишга тушириб берди.

Э... қайси бирини айттай. Уйимизни газлаштиришди, мунтазам қўл нони билан таъминлашди... Бирон байрамимиз йўқки, уларсиз ўтса. Бўлимдагиларнинг бирон хурсандчилиги, маъракаси йўқки, болаларсиз ўтса.

Узоққа бормай. Мана Наврўз айёмида ҳам бирга нишонладик. Болаларнинг қувончларини бир кўрсангиз эди-я...

Очиги кўпдан бери шундай кунлар келишини кутардик. Ўша куни кичкинтойларнинг кўзлари шоду хуррамликдан бошқача чақнади. Кулгуларини эшитиб вужудимиз яйради.

Бу, албатта, биринчиси эмас. Ўтган йили мили-

ция кунда ҳам болаларимиз шундай яйрашганди. Бунинг учун ИИБ раҳбарлари, ходимларидан миннатдоримиз. Кўнгли яримталарнинг ўқсимаслиги учун шунча қилган саъй-ҳаракатларига раҳмат. Улар қўл урган савобнинг қай бирини сўзлай.

Мана, 6 нафар ўғилча-мизнинг суннат тўйларига ҳам бош-қош бўлишди. Бутун миллий урф-одатимиз бўйича тўй болаларига бошдан-оёқ сарпо қилдилар. Ота-оналар ҳам бунчалик қилмайди.

Биласизми, Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлимининг бизларга шунчалар куйиб, дилдан, беғараз муносабатларини кўрган ходимларимиз гоҳо айтиб қолишади: «Қаранг, бизлар уларнинг ҳудудига қара-

эсига тушибди. Тўрт марта эрга тегибди. Бироқ фарзанд кўрмабди. Шундан кейингина қидириб келган жойи экан.

Стол устида турган бир неча омонат дафтарчаларига кўзим тушиб, Марҳабо опани саволга тутаман.

— Марҳабо опа, дафтарчалар кимга тегишли?

— Шаҳрисабз шаҳар ИИБ уйимизга пул ажратганди. Болаларнинг ҳар бирига омонат дафтарчаси очдик. Насиб этса йиғилган, йиғиладиган пуллар ўқишларига, уйланиб, турмуш қуришларига ҳам етади.

Болаларнинг кўнглига етимлик келмасин, деган ўйда ИИБ ходимлари ҳамма нарсаларни қилмоқда. Тез-тез болалар даврасида

енгил ҳаёт илинжида бошқа турмуш қурган ёхуд ёмон йўлга кириб кетган.

Ночор аҳволда қолиб, боқувга қурби етмай жигарини келтирганлар ҳам йўқ эмас. Эҳтимол, шундай замонда фарзандларини боқолмай қолганлар бор эканми, деб ёқа ушларсиз. Гарчи аччиқ, нафақат аччиқ — заҳар бўлсада, ҳаётга очик кўз билан қараш керак — бор.

Шу ерда тарбияланган йигит-қиз турмуш қуришди. Иккиси ҳам силга қарши эмланмаган. Турмуш, рўзғор, яшаш ташвишлари соғ, беморлигинга қарамайди. Маълумки, булар парҳез қилишлари зарур. Афсуски, иложини топмаганими ё бошқа сабабми, хуллас онанинг касали авж олган. Энди ота турмуш ўртоғини парвариш қилсинми, ўзиними, болалариними? Икки кўзини дарё қилиб, ўғлини топширган. Тез-тез хабар олиб тураркан.

Ташқарида ўйнаётган болалар тўпига қарайман. Ҳовлида қий-чув, шовқин-сурон деярли эшитилмайди. Бидир-бидир қилинмайди. Гўёки имтиҳон кетаётган мактабни эслатади. Эҳтимол, уларнинг энг шўх, ўйинқароқлари, ерга урсанг осмонга салчийдиган, бир гапингга ўнтасини қайтарадиган маҳмадоналари бордир. Ишонгим келмайди. Бор бўлса ҳам кўздан пана, онаси эсига тушиб, хун-хун йиғлаб ўтиргандир-а.

Эх... эрта-индин катта ҳам бўлишар. Эси-хуши кириб, ҳунар этагидан тутиб, турмуш қураш. Ана ўшанда онанинг ўзи оёқларига бош уриб келмасмикин? Ўшанда... ўшанда фарзанд кўн-сидан итармай уй тўрини беришининг ўзи аччиқ сабоқ бўлмасмикин? Ўшанда тошга айланган меҳр сел бўлиб оқмасмикин? Йўқ. Йиллар зарби армонлар, соғинчларни мажруҳ этган бўлади.

Болалар уйининг тарбиячилари билан қизиқмаман. Аксариятини шу ерда тарбияланганлар ташкил этади. Армонлар деғизига бир дунё армонларини қўшиб, умид, илинж шуъласини сўндирмасликка интилган мураббийлар. Болаларга ўз жигаридай муомала қилишади. Лекин уларнинг кўзлари тубидаги мунг, маъюслик ҳазин овозларидан ҳам уфуриб туради. Нега улар бу ерда қолишган. Ўз дарди ўзига етмасмиди? Назаримда тор доирадагина кетган мулоқот, уйдаги ғамгин муҳит, ҳар қадамда дуч келинадиган ўз бахтсизлигининг аксини кўриш, уларни «қайнаб» турган ўзга оламдан чўчитган. Негаки, ташқаридаги яшаш учун кураш ҳеч кимни, гарчи у етим эсада, аямайди. Эҳтимол тарбиячиларнинг ва тарбияланувчиларнинг армонлари, дардлари умумий бўлгани яхшидир. Лекин ўзинг қутулмоқда интилган юкни кунда оғирлигини туявериб, ўсишда, ривожланишда бўлган вужуд томирларига зўр келса керак. Бу, албатта, менинг фикрим.

Балки шунинг учун ҳам куч-қувватга, теран, қувноқ, ҳаётий завқ-шавққа тўла нигоҳларни кўрса, улар жонланиб кетарлар. Ота-она меҳрига тўйинган кўзлар бошқача илиқлик таратиб, сағирларни мафтун этар.

Ҳақ, дунё-я... Болалар, болалар. Кимдир тирноқча зор. Кимларгадир у хор-а!

Боя Марҳабо опа «... Биз овқатни сариёғда қиламиз,

ҳамма яхши нарсалар шуларга». — дедилар. Бироқ гап овқатда эмаскан, кийим-кечакда ҳам эмаскан. Уларга дунёга келтирилганларининг бир парча меҳри, ярим оғиз ширин сўзи, илиқ кафти, бағри керак. Буларни эса бегоналар беришга ожиз. Ана шу кўзга кўринмас МЕХР дегани болани ҳаёлчан, вазмин, маъюс қилиб, ёшидан илгари улғайтириб қўярканки, юраги эзилади кишининг.

Қани энди ўз нафсини ўйлаб, турли баҳоналар билан гўдакларни тирик етим қилаётган катталар бунини тушунишса. Ахир, беғуноҳ норасидаларнинг уволи тутмайди? Уларнинг дарё бўлиб оққан кўз ёшлари, олам рангларини сарғайтирган соғинчлари, бокира туйғуларига найзадек санчилган армонлари, нигоҳлари тубига чўккан мунг, битмас бўлиб, қалбини яралаган жароҳат бир кун келиб ўз ҳақини сўрайди сиз катталардан. Сўрайди!

Ҳар даврнинг ўзига хос бир ярамас нарсаси бўлади, дейишади. Биз бир эмас, бир неча юзга кўпайтириб юбормадикмики уни. Болалар уйи биргина Китобдами? Бошқалар ҳам шахрисабзликлар сингари ҳиммат қила олармиканлар! Қачонгача?

Шу ерда ҳам йиллар давомида нотўғри сиёсат юритилганининг сояси сезилади. Чунки, фуқаролар ҳамма нарсани ДАВЛАТ учун қилишга ҳўб ўрганишганди. Ишлаймиз, — ДАВЛАТга, ўқиймиз — ДАВЛАТга, социалистик оила қурдик ДАВЛАТга, туғдик ДАВЛАТга. Бир гап билан айтганда ҳамма нарсани ДАВЛАТ ўз зиммасига олганди. Одамдан эса фақат бир нарса талаб қилинарди — шюрлар, даъватларга бўйсуниб, ДАВЛАТ қарорларини сўзсиз бажариш. Ҳамманинг миёсига (онг дейиш тўғри келмас) ўрнашиб қолганди — ДАВЛАТ яхши боқади, яхши едиради, кийдиради, ўқитади, ишлатади. Энди билсак ўша «яхши»ларнинг замирида фожиа ўсиб келаётган экан. Бизлар битта-битта эмас, ёппасига манқуртлашиб бораётган эканмиз. Нафақат миллат, шахс сифатида ҳам йўқолиб, тубанлашиб, жар ёқасига яқинлашиб қолибмиз.

Ҳозир ҳеч ким қотилни, ўз қизининг номусига теккан палидини кўрса, юраги нафратга тўлмайди, бир туки қимирламайди. Онасини ураётган ўғилнинг танобини тортиб қўёلمайди. Биров ёрдамга чақирса эшик, деразасини ёпиб олади. «Кўрмадим, эшитмадим». Шу даражада «андишали»-мизки, ёмонларга хушомад қилиб, илтифот кўрсатамиз.

Мана, болалар уйи поланлари. Улар кўча-қўйда ота-онаси қўлчаларидан маҳкам тутганча бидирлаб кетаётган тенгқуруни кўрса, ҳавас ҳам, ҳасад ҳам қилмайдими? Шунинг ўзидаёқ унинг қалбидаги бир нима ўлди, деверинг. Мен болалар уйида тарбияланаётганлар шаънига салбий фикр билдирмоқдан узоқман. Зеро ҳислар, туйғулар тарбияси ота-она муносабатларидан, қарашларидан, уй муҳитидан, атрофдаги ранг-баранглик ва мулоқотдан келиб чиқади.

Мен ўқувчиларга «ақл» ўргатмоқчи эмасман. Мақоламга нуқта қўярканман, уни Марҳабо опанинг мана бу гапи билан тугатмоқчиман: «Она — бола учун фаришта».

Муҳаббат
ИВРОХИМОВА.



масак. Ўзимизникилар ло-ақал нима қилишсизлар?» — деб бир оғиз сўрашмай-ди-я! Минг раҳмат-е, шуларга. Буям болаларнинг бахти-да...

Тўғри, савоб, ҳиммат тилаб олинмайди. Ҳар кимнинг хоҳиши. Шаҳрисабзликлар ҳимматга бел боғлашибдими, тасанно дейиш керак.

Марҳабо опага, тарбиячиларга қолса-ку бундай уйлар умуман бўлмаса. Биттаси ҳам кўп уларнинг наздида.

33 йиллик болалар уйидаги фаолияти даврида Марҳабо опа нималарни кўрмаган, қандай оналар билан суҳбатлашмаган дейсиз.

16 ёшида эндигина тарбиячи бўлиб иш бошлаганида, бир аёл: «Ушлаб туринг, мен ҳозир анув ерга ўтиб келаман» — деб 9 ойлик чақалогини тутқазиб кетган экан. Кун ўтибди, ҳафта, ой ўтибди, она гўдагини сўраб келмабди.

Ўша аёлнинг «ушлаб туринг», деб ташлаб кетган фарзанди ўн беш йил ўтиб

ўйнаб, оз бўлсада гўборларини ёзиб, шодлик улашиб кетишади. Уларнинг ҳар ташрифидан сўнг тарбияланувчиларимизда жонланиш сезилади. Мақташ эмас, нимаки яхши нарсалари бўлса шуларга ил-нишади ИИБдагилар.

Ҳа, Марҳабо опа таъкидлаганидек, дунёда яхши одамлар кўп. Шу ўринда ИИБ бошлиғи милиция майори Комилжон Қурбоновнинг «... ўн гектар ер олгандик. Уч гектарига турли сабзавот экинлари экдик. Унажак ҳосилда оталигимиздаги болалар уйининг ҳам ризқи бор», — деган гаплари ёдимга тушади.

Яхши одамлар кўп. Бироқ яхшиларнинг яхшилигига умид боғлаб ёмонлигини қўймаётганлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, болада гуноҳ не қилсин? Гуноҳ катталарда. Азобини чекаётганлар эса гўдаклар.

91 нафар сағир. Айримлари тирик етимлар. Ҳатто бутун бошли оила фарзандлари бу ерда ўсиб улғаймоқда. Сабаб — отаси қамалган ёки ароқхўр, онаси

Тағвишлардан ташқари

— Ие, ие... Ниёзкул келди! Пушт, йўл беринглари!
— Полвонни турга таклиф қилинглари!
— Ҳофиз денг, ҳофиз... «Лаълихон»дан битта бўлсин! Тўйхона дарвозаси бўса-ғасида соч-соқоли патила-патил бўлиб ўсган, ким томондандир қачонлардир «тақдим» этилган солдатлик шинели, бир оёғига кўнжли ботинка, иккинчисига жағи айрилган пошнасиэтик ки-йиб олган жунусифат ки-шининг пайдо бўлиши ана шундай киноя, қочирим, ҳа-зиломуз гапларга сабаб бўл-ди.

— Ҳа, ҳа... Ниёзбойга шўр-ваннинг бетидан, ошнинг ке-тидан сузиб беринглари!
— Қани, қани, полвон, бу ёққа ўтинг!..

Бировлари «Полвон», би-ровлари «Ҳофиз» деб лақаб қўйган Ниёзкулнинг асл ўт-мишини қишлоқда кўпчилик биларди. Урушдан кейинги очарчилик йилларида Ниёз-кулнинг энаси (отаси урушда бедарак йўқолган) даладан ўт ўраётганда, буғдойзорга кўзи тушиб, «ўғрилиқ» қилиш-га мажбур бўлади. Бир боғ-лам буғдой ўриб олади. Буғдойни ёргичоқда ун қи-либ, нон пиширади. Далага ишга кетган ўғли — ўн яшар-лик Ниёзкулнинг насибаси-ни дастурхонга ўраб қўйиб, болалари билан иссиқ нонни сувага ботириб ейишади.

Ниёзкул ўша кунни дала-дан қайтиб, уйда дахшат-ли манзаранинг устидан чи-қади: энаси ва уч укаси гужанак бўлиб, ҳар жой-ҳар жойда думалаб ётишарди... Ниёзкул кичикинтой укасининг қўлида қолган нон бўлагини ушлаганча дахшадан қо-тиб қолади... Кейинчалик одамларнинг айтишича, буғ-дой орасида ўсадиган за-ҳарли ўсимлик — кампирчо-пон ҳам қўшилиб ун қилин-ганлиги туфайли тўрт ин-сон нобуд бўлган экан...

Шу-шу Ниёзкул дарднинг зўрлигидан телбавор киши-

га айланган. Бир-иккита ки-шоқ оқсоқоллари уни мах-сус шифохоналарга жўнати-шиб, даволатиб ҳам кўриш-ди, фойдаси бўлмади. Мана йигирма йилки, Ниёзкул совхознинг новвойхонасида ётиб юради, новвойларга қа-рашади — сув келтиради, ўтин ёради, халталаб ун та-шийди, чойчақа берадиган-лар бўлса, «Лаълихон, ҳайда қўйингни боқаман!», дея қў-шиқ ҳам айтиб беради, ку-раш тушадиганлар топилса, олишишдан ҳам қайтмайди.

ДЕВОНА

(ҲИКОЯ)

Шу сабабли уни орқа-вотдан «демона» дейишсе-да, аммо тўй-ҳашамларда «полвон», «ҳофиз», дея эр-калатишиб, «ошнинг кети-дан, шўрваннинг бетидан» су-зиб, алоҳида тугунча қилиб беришади...

— Э-э, ҳофиз келибдилар-да. Қўчқор ака, меҳмонга қаранг.
Тўй эгаларидан Қўчқор қассоб Ниёзкул девонага ижирғаниб тикилсада, ўзини зўрлаб илжайганча имлаб қақирди.

— Дево... Эҳ, эсим курсин, Полвон бова. Қани, бу ёқ-қа. Мана бу қозоннинг ат-рофига чўқа қолинг. Ҳой, Мамарайим. Бир товоқ ош. Гўшти мўл бўлсин!

Ниёзкул девона ўзига кўр-сатилган илтифотдан мам-нун бўлганча ўчоқ атрофи-да думалаб ётган ғўлалардан бирининг устига ўтирди. Со-қолини тарашлаган кўйи ён-атрофига назар ташлаган бўлди. Ундан кейин йигир-ма-йигирма беш қадамча на-рида доирасифат столлар атрофида ёш-яланглар шўх-шодон қийқирганларича «баз-

ми жамшид» қилишарди. Ана, тўрда келин-куёв қим-тинганича бош эгиб ўтири-шибди. Ниёзкул ёш-яланг томонга термулиб тикилар-кан, негадир ўзидан ўзи хурсанд бўлиб кетди. Бар-моқларини қисирлатганча сев-ган қўшиғини хиргойи қил-ди.

— Лаълихон, ҳайда қў-йингни боқаман...

Мамарайим ошпаз Ниёзкул девонанинг олдида газета ёзиб, алюмин товоқда ош қўяркан, мақтаган бўлди:

— Ниёзполвон, кўз тегма-син, овозингиз кундан-кунга очилиб, ширали бўлиб ке-таяпти! Ошни тагигача есан-гиз, ҳали артистлар чарчаб қолганда, сизга ҳам навбат олиб бераман... Бўптими?

Ниёзкул девона ошпаз-нинг мактовидан руҳланиб, овозини яна бир карра ба-ланд олди.

— Лайло... Лайло... Сени ишқингдас!

— Ҳой, — Қўчқор қассоб-нинг зардали овози эши-тилди. — Жим-э! Ҳозир ди-ректор бова гапиради!

Совхоз директорининг таб-ригидан кейин, унинг такли-фига кўра шўх мусиқа ян-граб, кўпчилик ўйнаш учун ўртага туша бошлади. Ни-ёзкул девона ҳам ишни ту-гатгач, шўрвадан умидвор бўлганча бармоқларини сў-риб, одамларни кузата бош-лади.

Ана, директор уч-тўрт марта кулоч ёзгач, ўйинчи кизнинг иккала чеккасига рул қистириб, даврадан чиқ-ди. Ўйинчи қиз диққатлаб бориб, стулда ўтирганча қа-дах уриштираётган икки йи-

гит рўпарасида муқом қила бошлади. Улардан бири ун-га қарамасдан кўкимтир пул узатди, иккинчиси индама-ди. Қиз эса ҳамон муқом қилишдан тўхтамасди. Ниҳо-ят, иккинчи йигит ҳам чўн-так кавлади-ю, битта йигир-ма бешталиқни нописанд оҳангда узатди. Ўйинчи қиз бу илтифотдан хурсанд бў-либ кетди, энди қийшанг-лаганча ўша йигитнинг қў-лидан ушлаб, ўзи билан ўй-нашга чорлади. Йигит дас-турхондаги нон парчаси би-лан лаб-лунжини артиб, бир чеккага улоқтиргач, диқ этиб ўрнидан турди...

Ниёзкул девона жойида тош қотди. «Нонга оғзини артди!». Беихтиёр ўрнидан қўзғалиб, косада шўрва олиб келаётган Мамарайим ошпаз-га ҳам эътибор қилмай, дав-рага кириб борди. Ёш-яланг чўчиб унга йўл беришди. Ни-ёзкул шошиб борганча ер-даги нон бўлагини кўтариб олди. Кўзига, манглайига сурт-гач, кўзларини ола-кула қил-ганча ўйиндан тўхтаб, ҳам-ма қатори унга ажабланиб қараб турган ўша, нонни ит-қитган йигитга қараб юрди. Қизлардан бири кўрққанидан чинқириб юборди. Қўчқор қассоб югуриб келганча уриш учун қўлини азот кўтарди. Лекин девонанинг кўзларига кўзи тушиши билан қўли бе-ихтиёр шалвираб тушди. Уролмаганининг аламини сў-кишдан олди:

— Нон керак экан, айтмай-санми, хумпар! Икки-уч ўспирин Ниёзкул-ни судраб, кўчага чиқариб ташлади...

Бироздан кейин узилиб қолган куй қайтадан ян-гради. Ўйнаётган қиз-йигит-ларнинг қувноқ қаҳ-қаҳаси эшитилди. Ниёзкул девона бироз тик қотиб тургач, қў-лидаги нон бўлагига бир қа-раб қўйди-да, лўкиллаб йўл-га тушди. Уни энди қўшиқ айтгиси келмасди...

Олтибой СОЙПОВ,
милиция лейтенанти.

БОЛА КУЛДИРГАНДА

— Дада, ростдан ҳам кўз-ни юмиб ёза оладиган одам-лар борми?

— Ҳа, бор.

— Кўзин юмиб қўл қўя-диган одамларчи?

— Бор.

— Сиз ҳам кўзин юмиб қўл қўя оласизми?

— Қўя оламан.

— Ундай бўлса, кўзин юмиб кундалиқ дафтаримга қўл қўйинг.

— Уғлим, ўзини яхши тут-ган одам жаннатга тушади, ёмон одам — дўзахга.

— Ўзини қандай тутсам циркка тушаман?

— Дада, қўшниларишимиз

— Гулнора, қизим, чой сан!

— Узингиз фикр туғилди, дедингиз, шунинг учун сўр-ғич олгани аптекага кетяп-ман.

— Сен нечанчи синфда ўқиясан?

— Биринчини битирдим. Сен-чи?

— Мендан кичик экансан.

— Буви-чи, буви, ану Со-ли борку, Ботирдан ҳам Мен иккинчига ўтдим.

— Улғубек АБДУСАЛОМОВ, Андижон шахри.

— Дилдора, қаёққа кетяп-

жуда камбағалми?

— Нега ундай дейсан?

— Кеча уларнинг кичик қизи бир тийинликни ютиб юборди. Шундай вой-дод кў-таришдики!..

— Дада, 2 сўм беринг.

— Нима қиласан?


— Кўчада учраган камба-ғал аёлга бераман.

— Тўғри қиласан, ўғлим. Мана сенга 2 сўм. Одамлар ҳар донм бир-бирларига меҳ-рибон бўлишлари керак.

Айтчи, у аёл жуда қари ва ишлай олмайdimи?

— Ҳа, у музқаймоқ сота-ди.

Элшод РАҲМАТОВ.



ҒАРОНИБ ТОШ

ҚУЧҚОР-ҚУЧҚОР УЙИНИ

Али деди Валига,
Қўчқор-қўчқор ўйнаймиз.
Кимки голиб бўлгунча,
Такрор-такрор ўйнаймиз.
Йўқ демади Вали ҳам,
Уятти бор, ори бор.
Али билар Валининг,
Биркалаллик ҳоли бор.
Жангари қўчқорлардек,
Икки ёқли бўлдилар.
Икки қўлда эмаклаб,
«Тўрт оёқли» бўлдилар.
Икки калла, уч калла,
Жон оғрийди — қайтиш йўқ.

Ор қўзғолган шу палла,
Енгилдим деб айтиш йўқ.
Тўртинчи калла зарби,
Бўлди роса бошқача.
Қўш калладан бўртиб

чиқди,
Икки кичик «пушқача».
Дилмурод ЖАВБОР.

ТИББИЁТ
ВА ХАНДА

— Оёғимдаги қадоқ жуда азоб берапти, дўхтир.
— Ундан қутулса бўлади.
— Қандай қилиб?
— Сизга мўъжизакор бир малҳам ёзиб бераман. Уша қадоққа суртасиз. Биласиз-ми, бир бемор ана шу малҳамдан, мана, ўн йилдан бери фойдаланиб келяпти...

— Бундан буён сиз ов-қатлангандан кейингина бит-та сигарета чекишингиз мумкин, тамом.

— Хўп, дўхтир, айтганин-гиздай қиламан.
Орадан бир ой ўтгач, шифокор ўша беморни учра-тиб қолиб сўради:

— Кўришингиз жуда яхши, ҳатто семириб ҳам кетибсиз.

— Маслаҳатингизнинг нафи тегди-да. Мен энди ҳар кунги сакинз-ўн марта овқатланишга одатланиб қолдим.

— Сиз, оғайни, бундан буён сира ичмаслигингиз, чекмаслигингиз, қовурил-ган кучли овқат емаслигин-гиз керак.

— Ҳм. Қабулингизга хо-тиним мендан олдин келиб-ди-да...

Тўпловчи Т. МАҲМУДОВ.

МУСАҲҲИХ АДАШДИ

Товуқ хоналарда яшаймиз.
Қабримга йиғлайман.
Шифохона ҳокими.
Раҳбар ошга киришди.
Хотинимнинг кўрсаткич қар-моғи.

Қўли халта одамлар.
Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Каттақўрғон шахри.

БИЛАСИЗМИ?

Автоуловни маст ҳолда бошқарган ҳайдовчилар учун бериладиган жазо:

Швейцарияда уч ҳафтага-ча қамоқ жазосига ҳукм қи-линади.

Туркияда маст ҳайдовчи

шаҳардан 20 миш узоққа машинада олиб борилади ва ўша жойдан отлик полиция назорати остида уйига яёв қайтади.

Австралияда маълум муд-датга қамаб қўйилади. Ма-

ҳаллий рўзномаларда «Ич-киликбозлиги учун қамоққа олинди» руқни билан исм-шарифи берилади.

Сан-Сальвадорда шаҳар бўйлаб сазойи қилинади.

Малайзияда қамоққа оли-нади. Уйланган бўлса, хоти-ни ҳам унга ҳамхона бўлади.
Аквар МИРЗАЕВ тўплаган.

Постда

Мухаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-


босари — 39-77-23, муҳ-

бирлар бўлиши — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопа-

тин кўчаси, 1.

* Кўчириб босишда «Пост-да»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
* Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунинг-дек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумот-лар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
* Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фик-рига мос тушмаслиги мумкин.
* Қўлёзмалар таҳлил қилин-майди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти

«Шарқ» нашриёт-матбаачилик

концерни босмахонаси.

700083, Тошкент,

Ленинград кўчаси 32.

Рўзнома офсет усулида,

А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

12.952 нускада чоп этилди.

Буюртма — № Г—96.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

ДАН ЭМАС, ЙТИ

Ассалому алайкум, ҳурматли жаноблар!

ИИБ тизимига кирувчи илгари ОРУД, сўнг ГАИ деб номланган хизмат ҳозирда ДАН деб ўзгартирилган. Менга шу хизматнинг автомобиль назорияти деб аталиши унча тўғри эмасдай кўринади.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимизнинг Давлат автомобиль назорияти тўғрисида ўз Низоми борми-йўқми билмадим, бироқ собиқ ССЖИ ИИБ тизимидаги ГАИ ҳақидаги 1978 йил августда тасдиқланган Низомида Давлат автомобиль инспекциясига бошқа вазифалар билан бир қаторда кўча ва йўللarda транспорт ва пилдалар ҳаракатини тартибга солиш, автомобиль йўллари ва кўчаларнинг, фойдаланилаётган трамвай, троллейбусларнинг техник ҳолатини назорат қилиш, автомобиль, мотоциклларини

ва бошқа ўзи юрар машиналарни техник кўрикдан ўтказиш, ҳуллас, йўл ҳаракати қоидаларини бузган автотранспорт воситаларининг ҳайдовчиларини, пилдалар, мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш каби вазифалар юклатилган.

Демак, ДАНнинг фаолияти фақат автомобиллар билан чекланмаган. Ҳўш, унда нима учун автомобиль назорияти?

Менинг фикримча, бундан буён ДАН хизматини бошқача номласак тўғри бўлади. Бу ҳақда тегишли мутахассисларга, ДАН ходимларига, рўзномасеварларга маълум қилинса, улар ўз таклифларини билдирсалар керак. Мен шахсан ўзим «Йўл-транспорт милицияси (полицияси)» номини таклиф этаман.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос.

Ушбу таклиф юзасидан биз жумҳурият ИИБ

ДАН бошқармасига мурожаат қилдик. Қуйида

бошқарма бошлиғининг ўринбосари милиция

майори Х. Файзиевнинг жавоб хатини келтирамиз.

ИИБ ДАН бошқармасининг хизмати, унинг номлашиши фуқароларимизнинг эътиборида бўлиши қувонарли ҳол, албатта. Ҳуқуқшунос Абдуқаҳҳор Муталовнинг йўллаган мактубида кўтарилган таклиф, яъни ДАНнинг номини ўзгартириш масаласи ўз ўрнида тўғри. Лекин бу борада чуқурроқ фикр юритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, мустақил Ўзбекистонимиз собиқ ССЖИ таркибда бўлган вақтда ДАНнинг барча иш тартиби ва тайёрлаган босма иш қозғалари, бошқа зарур ашёлар мазкур ДАН белгилари билан чиқарилган. Бунга эса давлат ҳисобидан катта миқдорда маблағ ажратилган.

Мана энди республикамиз мустақилликка эришди. Бу

эса жамиятимиздаги барча соҳаларда ўзгаришлар бўлишига, ҳамма нарсани ўз номи билан аташга йўл очиб бермоқда.

А. Муталовнинг таклифи ўз навбатида кўриб чиқилди деб ўйлаймиз. Ҳозирча эса мустақил жумҳуриятимиз иқтисодиётини кўтариш учун фақат Президент ёки бошқа раҳбарлар эмас, балки ҳамма соҳа кишилари, жумладан биз ҳам биргаликда курашишимиз керак.

Муштариоларимизнинг хизматимизга доир таклиф ва такларини бажонидил қабул қиламиз.

ИККИ ЙЎЛ ҚОЛДИ

Дадам ички ишлар бўлимида ишлайдилар. Биз уч опа-сингиллар: опам 9, мен 6, синглим 5 яшарлигимизда онадан етим қолдик. Мана шунга ҳам 10 йил тўлибди. Эҳ-ҳе, шунча йил ичида ўғай онамдан қанчадан-қанча азоблар кўрмадик, дейсиз. Дадам онамга уйланмасдан олдин бизлар кўчманчи қабилага ўхшаб яшадик. 6 ой бу қариндошимизникида, 1 йил унисиникида, яна 1-2 йил буваамларникида турдик. Охири ўзимизга алоҳида уй топдик. Аввал онам қариндошларимиздан ҳайқиб, бизларни уролмасди. Бўлак бўлганимиздан сўнг бар кунни бир баҳона қилиб калтаклайдиган бўлди. Ҳатто бизни ялангоч қилиб эшикнинг олдида тикка қилиб қўярди. Қимирласак, дўшосларди, овозимизни чиқаргани кўймасди. Яна кечкурун оғриқни олдини олиб, дадамга ҳам чақиб урдирарди. Айниқса дадам навбатчи бўлиб қолиб кетганларида, ҳолимизга маймуллар йиғлар эди. Кечаси бизни эрталабгача қоронғи уйда қулфлаб қўярди. Дадам навбатчилигини топириб қайтгуларига яқин бизни қўйиб, агар айтсанглар ўлдираман, деб қўрқитарди. Биз ҳеч нарса кўрмагандек яна ишларимизни қилиб кетаверардик. Бу орада опамнинг бўйи

етиб, 11-синфни битирди. Орузси ўқишга кириш эди. Мактабни 4 ва 5 баҳоларга тамомлаганлари учун фақат ҳамшира бўламан, деб ният қилардилар. Аммо онам ўқитгани кўймади, дадани ҳам шунга кўндирди. Опамнинг уша пайтдаги ҳолини тасаввур қилиш оғир.

Ҳозир менинг бошимга шундай кун тушди. Онам: «Ўғур ҳам бўлмайсан, киз бола ўқиб одам бўлмаган, сен ким бўлардинг? Ҳеч қаерга бормайсан», — деди. Мен ўзимча, ўқисам яхши кийинаман, яхши бўлиб юраман, деб ўйловдим. Чунки мактабда 4 фасл ҳам битта туфли билан килиш кийиб, фақат формада юриш жонимга тегди. Дугоналарим ҳаммаси баҳор келиши билан чиройли кийиниб олишди. Уларни кўриб иччимдан эзилб кетаман. Яна дугоналарим пичинг қилиб: «Латофат, даданг мелиса бўлса, колхозчинини қизидан бадтар бўлиб юрасан-а», — дейишди.

Ахир мен қандай кийинай? Онам даштда ишлатиб, пулимни ўзи олади. Менга ҳеч нарса бермайди. Ҳатто байрам кунлари дадам пул бериб кетсалар, у кишининг кўзалари пана бўлиши билан бизни алдаб, пулни тортиб олади. Мана энди мени даштда ишлатиб,

ўқишга боргани кўймапти. Мен эса ўқишни жуда-жуда хоҳлайман. Қизларимиз: «ҳозир институтлар 50 минг, техникумлар 14-15 минг бўлиб ётибди, қаерга ҳам борасан, ундан кўра турмушга чиқиб қўя қол», — дейди. Онам ҳам мактабни битирганидан эрга берман, деяпти. Мени ҳеч ҳам эрга текким келмайди. Энди иккита йўл қолди. Бири ўлим, иккинчиси бузуқчилик. Жонимдан таёқ ўтиб кетганидан, кerosин солинган бочкани ёнига (ёлгон эмас!) юз марталаб бориб келгандирман. Жон ширин экан, ҳеч ҳам ўзимни ўлдиролмадим. Аммо афсуслар бўлсинки, иккинчи йўлни танлай олмайман. Ниша қилай?


Бошим қотиб қолди. Ахир дунёда яхши одамлар ҳам борку. Ердам беринглар, маслаҳат беринглар, яхшилар! Ҳозир ёшим 16 да. Мендан бир ёш кичик синглим бор. Унинг ҳам бошида шундай фожиали кун турибди.

Биз нима қилайлик? Ўзимизни ўлдирайликми? Ўғай онам бизларни барибир тушунмайди. Агар ўз онам тирик бўлганларида, бундай хор бўлиб юрмасдик.

ЛАТОФАТ.
Қашқадарё.

Махсус устун

БУ ЙИГИТНИ КИМ ТАНИЙДИ?



Тошкент вилояти шифохонасига Ўрта Овул кўрғонидан оғир тан жароҳати олган 26-28 ёшлардаги йигит келтирилди.

— Зудлик билан операция қилдик ва шу туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинди, — дейди жарроҳ Анзор Хубиев. — У энди яшаб кетади. Аммо ҳанузгача шахси номатълум. Хотираси эса тикланмапти.

Шифокорнинг айтишича,

беморнинг тезроқ ўзига келиши учун қариндош-уруғларининг руҳан мадади зарур.


Танаси текшириб кўрилганда, қуйидаги белгилар аниқланган:

У 1984-1986 йилларда Афғонистонда хизмат қилган, ўнг қўлида «ДРА», чап қўлининг бош ва кўрсаткич бармоқлари ўртасида «И. Б.» ёзувлари бор. Бундан ташқари танасида яна бир нечта татуировка белгиларини ҳам кўриш мумкин.

Суратга диққат билан назар ташлашингизни, агар бу йигит ҳақида бирор маълумотга эга бўлсангиз, Зангиота (аввалги Калинин) тумани ИИБга мурожаат қилишингизни ёки 02, 64-65-59 рақамли телефонлар орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Бу билан ўзингизнинг инсонийлик бурчингизни адо этган бўласиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ички ишлар бўлими томонидан 1960 йилда Каттақўрғон туманининг Навоий номли жамоа хўжалигидаги Чим қишлоғида туғилган Эркин Ҳасанович Сатторов қидирил-

моқда. У 1991 йилнинг 1 ноябрь куни эрталаб туман шифохона (поликлиника)сига бориш мақсадида уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 сантиметр, сочлари қора.

Уст-боши: эгнида оқ рангли жемпер, қора рангли камзул, кўк рангли шим, оёғида қора рангли туфли бўлган.

Асосий белгилари: жағининг юқори қисмида беш дона оқ рангли сунтий тиши, ўнг кўзида касалликдан қолган асорат бор.


Э. Сатторовни кўрган билган фуқаролардан бу ҳақда Каттақўрғон тумани ИИБ ёки энг яқин милиция идораларига хабар беришларини сўраймиз.

(Ҳасан Сатторов ўғли ҳақида аниқ хабар қилганларга суюнчи беришга аҳд қилган).

Шаҳобитдин КУРАЙШЕВ

Жудоликдан оғир кулфат бўлмас экан. Айниқса, у бевақт бошга тушса. Яқин дўстимиз, оқилона маслаҳатлари билан кўпларнинг мушкуллини осон қилиб келган ажойиб инсон, Ўзбекистон Жумҳурияти ИИБ УЯ-64/1 муассасаси бошлиғининг навбатчи ёрдамчиси ички хизмат, майори Шаҳобитдин Жамолович Курайшевнинг орамиздан эрта кетиши биз — ҳамкасбларини ҳам ларзага солди. У шу йилнинг 22 апрель кунин юз берган автоқалокат натижасида ёруғ оламдан кетди. Абадий кетди.

Ш. Ж. Курайшев 1955 йил 5 мартда Тошкентда туғилди. 1977 йил Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳини битирди. 1981 йилнинг 13 февралда ички ишлар идораларида ўз хизматини бошлаб, то умрининг сўнгги кунларигача танлаган йўлидан одилона борди. Сўнгги хизмат жойида ҳам обрўси баланд эди. Начора, ўлим



ҳақ экан. Шаҳобитдин Жамолович Курайшевнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди, УЯ-64/1 муассасасининг бутун жамоаси унинг бевақт ўлими муносабати билан оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги олий мактаби 1992-1993 ўқув йили учун талабалар қабул қилади.

Мактабга ўрта маълумотли, соғлиғи хизматга ва ўқишга яроқли, ички ишлар идоралари талабларига жавоб бера оладиган ва 17 дан 25 ёшгача бўлган фуқаролар қабул қилинади.

Бу ҳақда вилоятлар ИИБлари кадрлар бўлиmlаридан батафсил маълумот олиш мумкин.